Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 225 (20. 492) • 1989 йил 27 сентябрь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ЯНГИЛАНИШ НИШОНАЛАРИ

«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталари саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. КАРИМОВ жавоб беради

— Ислом Абдуғаниевич! Сиз КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлар муаммоларини муҳокама қилган, партиянинг миллий масала бўйича ҳаракат дастурини тасдиқлаган Пленумида иштирок этдингиз. Сиз Пленум иши ҳақидаги ўз таассуротларингизни қисқача айтиб бера олмайсизми!

— Энг аввало, Пленум қарорлари миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича барча ишларимизга янги омил бахш этганлигини таъкидлашни истардим. М. С. Горбачевнинг доклади, бўлиб ўтган мунозаралар ва ҳозирги шароитда партиянинг миллий сиёсати тўғрисида қабул қилинган ҳаракат дастури ҳаммамизни жамиятимизда рўй бераётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар ҳусусида чуқурроқ ўйлашга, барчанинг ва ҳар бир кишининг қайта қуриш тақдири учун, кўпмиллатли давлатимизнинг бутунлиги учун, социализмнинг тарихий истиқболи учун ғоят даражада масъул эканлигимизни аниқ-равшан ҳис қилишга мажбур этди.

Мен Пленумда ўртага қўйилган турли масалалар орасида суҳбатимизга бевосита дахлдор бўлган битта туб жиҳатни ажратиб кўрсатишни истар эдим. Докладда ҳам, нотиқларнинг сўзларида ҳам миллатлараро муносабатлар ҳолати жуда кўплаб омиллар таъсирининг натижаси эканлиги таъкидлаб ўтилди. Булар: ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, нуфус, экологик омиллар ва бошқалардир. Улар жам бўлгандагина маънавий-сиёсий муҳитни, одамларнинг кайфияти ва ўзаро муносабатларини, шу жумладан ҳар бир республикада, ҳар бир регионда миллатлараро муносабатларни белгилайди.

М. С. Горбачевнинг докладида ва нотиқларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилганидек, жамиятимиздаги барча соғлом кучларни жипслаштириш, тартибни, интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг топширилган иш учун масъулиятини ошириш мана шу ҳамма муаммоларни ҳал этиш калитидир. Юзага келаётган ҳар қандай масалалар ва қийинчиликларни ҳал этишда кўпроқ ташаббускорлик ва мустақиллик кўрсатиш, сиёсий мунозараларга дадиллик билан киришиш, партия ва халқнинг умумий куч-ғайратлари билан одамларни тўлқинлантираётган конкрет масалаларни ҳал этиш лозим. Фақат мана шундай шароитлардагина қайта қуриш рўёбга чиқади.

Республикамиздаги миллатлараро муносабатлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, амалда бу борада ҳал этиб бўлмайдиган масалалар йўқлигини қайд этиш лозим. Ниҳоятда ноғик бу масалада ягона талаб шуки, одамлар бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилишлари, бир-бирларини тушунишлари ва сабр-тоқатли бўлишлари керак. Бир пайтлар Ўзбекистонга мажбурий кўчирилган қрим-татарлари, месхети турклари ва курдларнинг аҳволига келганда эса Пленумнинг юксак минбаридан туриб бу тарихий адолатсизликни иложи борича тезроқ тўғрилаш кераклиги қатъий қилиб айтилди.

— Сиз республикамизда юзага келган вазиятни Пленум қарорларидан келиб чиққан ҳолда қандай баҳолайсиз?

— Вазият анчагина мураккаб. Унинг сабаблари бор. Одамлар қайта қуриш моҳиятини шубҳа остига олмасалар-да, аммо унинг натижаларидан ҳақли равишда қониқмаяптилар. Улар кутишдан чарчаганлар. Мана шундай шароитларда ҳар хил кучлар жонланиб, вужудга келаётган қийинчиликлар ва норозиликлардан фойдаланиб, оммани партия, совет, хўжалик органларига қарши қўйишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатлари қанчалик ҳалокатли эканлиги ҳаммага аниқ-равшан бўлса керак деб ўйлайман.

Шуни яна бир бор такрорлашни истардимки, социал, миллатлараро муносабатларнинг ўткирлиги ҳамда пировард натижада ижтимоий-сиёсий кескинлик биринчи навбатда шу билан изоҳланадики, республикамизда яшовчи, айниқса қишлоқда истиқомат қилувчи ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, йилдан-йилга, кундан-кунга яшаш, нормал ҳаёт кечириш учун зарур бўлган нарсалар билан ўзини таъминлаш қийин бўлиб бораётганини ҳис этмоқда.

Республикадаги базанинг, пойдеворнинг ўзи, энг аввало социал ва иқтисодий пойдеворлар Иттифоқнинг ўртача кўрсаткичларидан анчагина орқада қолган эди ва ҳозир ҳам орқада қолмоқда. Ҳа, аҳоли жон бошига яратилаётган миллий даромад бўйича ҳам, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жойлар, маориф, соғлиқни сақлаш объектлари билан таъминланиш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа соҳалар бўйича қолоқлик мавжуд.

Биз ҳозир қураётган ва ишлаб чиқараётган нарсаларнинг ҳаммаси аҳоли ўсишига зўрға етади. Республикамизда ҳар йили аҳоли тахминан 600—650 минг кишига кўпаймоқда. Шу боис ҳар бир киши ҳисобига улуш кўрсаткичлари, бошқача айтганда турмуш даражаси амалда ўсмаяпти. Яхшиланаётган бўлса ҳам у сезилмаяпти. Шу сабабли аҳолининг қониқмаётганлиги ва норозилиги ошмоқда. Бизнинг умумий фикр-мулоҳазаларимиз, ишлаб чиқаётган, бироқ амалга ошмаётган турли программаларимиз ва режаларимиз уларнинг меъдасига тегди.

Хўш, одамлар нималарни кўришмоқда: улар кўз ўнгида интизом бузилмоқда, ҳокиниятнинг обрўси тушмоқда, жумладан катталарга ҳурмат ҳам йўқолмоқда, нарх-наво ошмоқда, аҳоли эҳтиёж сезаётган танқис буюмлар камаймоқда. Бунга баъзан даромадларни тақсимлашдаги социал адолатсизлик ҳам сабаб бўлаётир (кимларнидир қозони ҳам, чўмичи ҳам мой, кимларнидир қозони сувга ташланган), кооператив ҳаракатини ривожлантиришдаги жуда катта нуқсонлар ҳам борки, бу йўлда жиддий суиистеъмолликлар ва меҳнатсиз даромад олишларга йўл қўйилмоқда.

Айни пайтда эса бизда муҳтожликда яшаётган анчагина одамлар, биринчи навбатда кўп болали оилалар, пенсионерлар ва инвалидлар бор.

Буларга бошқарувнинг барча даражаларидаги ишнинг кўзини билмаслик, ишни ташкил этишдаги нўноқлик, очиқдан-очиқ лоқайдлик ва тўрачиликни қўшадиган бўлсак, ўзаро муносабатларимиздаги мураккаб вазият зўраётганлигининг умумий манзараси намоён бўлади.

Қабул этилаётган қарорлар, берилаётган қуруқ ваъдалар кўпаяётганлиги ҳам раҳбар идоралар обрўйига жиддий путур етказмоқда. Шу нарсага аминманки, кабинетларда қабул қилинаётган қоғозларнинг каттагина қисми конкрет ижрочиларга бориб етмаяпти. Боз устига улар ижрочилар билан маслаҳатлашмай туриб, қабул қилинмоқда. Агар бу қоғозлар ҳеч кимни қизиқтирмаса, ҳеч ким уларнинг ижросини назорат қилмаса, унда бундай қарорларни қабул қилишнинг нима ҳожати бор?

Бизларга, барча раҳбарларга кўрсатилган ишонч, очиқ-ойдин айтиш керакки, бугунги кунда тугаб боряпти.

— Сиз яқиндагина республика партия ташкилотига раҳбар бўлдингиз. Сизнингча, Ўзбекистондаги вазиятни соғломлаштириш учун биринчи навбатда нималар қилиш зарур?

— Бугунги кунда биздан талаб қилинадиган энг асосий нарса — бу жойлардаги аҳволга ҳушёрлик билан реал ва танқидий баҳо беришдан, йўл қўйилган хатолар ва нуқсонларни мардлик билан тан олишдан иборатдир. Кадрлар билан ишлашда, социал-иқтисодий қурилишга раҳбарликда нўноқлик рўй берган жойларда эса фаолларга таяниб, мавжуд оғир аҳволдан қутилишнинг мақбул йўлларини қидириш керак. Хуллас, амалий ҳаракатлар билан партия ва совет органларининг обрўэътиборини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун барча ишларни қилиш лозим. Реал вазиятни, ишларнинг ҳақиқий аҳволини, йўл қўйилган нуқсонлар ва хатоларни тан олган тақдирдагина турмушимизни ҳақиқатан яхшилаш учун қандайдир ишларни амалга ошириш мумкин.

Бу соҳада қаердаки адолат оёқ ости қилинган бўлса, ўша жойларда одамлар кўз ўнгида адолатни тиклаш ғоят муҳимдир. Зеро, ҳеч нарса оқибатсиз қолмайди. Ҳамма нарса из қолдиради.

«Пахта иши» деб аталмиш масалани кўриб чиқишда йўл қўйилган жиддий хатолар ва нуқсонлар, бу масалага ўйламай-нетмай ёппасига ёндашувлар, кўпинча эса иқтидорли одамларни асоссиз равишда актив фаолиятдан четлаштириш, буларнинг ҳамласи жуда кўплаб одамлар ва уларнинг оилалари тақдирида машъум роль ўйнаганлиги халққа жуда ёмон таъсир қилди. Марказда ва жойларда ўтмиш сарқитларига қарши қураш ниқоби остида асрлар бўйи қарор топиб келган халқ анъаналарини, масалан, баҳор байрами «Наврўз»га доғ туширишга ва уни бекор қилишга бўлган уринишлар, уларнинг ўрнига эса ясама маросимларни, янги шаклдаги кийим-кечаклар ва бошқаларни тиқиштиришга бўлган интилишлар одамларнинг ғазабини қўзғатди.

Бунинг қанчалик салбий таъсир кўрсатишини англаб етмаган кишилар шуни тушуниб олишлари керакки, башарти улар асрлар давомида қарор топган миллий анъаналарни (масалан, яқин кишисини дафн этиш маросими) ўзларича ўзгартиришга, қайта кўриб чиқишга интиладиган бўлсалар, бунинг устига бу анъаналар ўрнига ҳеч нарса таклиф этмасалар — фақат бир нарсага, одамларнинг ўз анъанавий маданиятларини ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш ва тиклашга қаратилган (баъзан агрессив шаклда ҳам намоён бўладиган) қонуний ва тобора зўрайиб борадиган қаршилигига дуч келадилар. Ҳар бир миллат ва элат, сони ва мавқеидан қатъи назар, ўз анъаналарига, тилига ва маданиятига иложи борича кўпроқ ҳурмат ва эътибор билан қарашни талаб этишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Агар биз ўзимизни ақл-идрокли кишилар деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда мана шу оддий ҳақиқатни аввалроқ пайқашимиз лозим эди.

Шу сабабли сўзда эмас, амалда ўтмишда йўл қўйилган бузилишларни тезроқ тузатишга ҳаракат қиладиган кишиларнинг ҳаммаси халқнинг аҳволини енгиллатиш учун амалий чоралар кўришлари, энг аввало бир-бирларига айб тўнкамай, аксинча ҳам иқтисодий, ҳам социал, ҳам ғоявий, ҳам маданий жабҳаларда бирлашиб, ўзаро ҳамкорлик қилишлари зарур. Бизда бундан бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

Жамоатчиликнинг тарафкашлик томонига ўтиб олган айрим намояндалари бутун куч ва ғайратлари билан ҳаммани ва ҳамма нарсани танқид қилмоқчи (бу энди танқид эмас, танқидбозликдир), бизларни ўзимиз анча олдин пайқаган ва тушуниб етган нарсаларда фош қилмоқчи бўладилар. Хўш, бу уларга нима учун зарур? Ахир республикада раҳбар кадрларнинг алмашинуви кимларнингдир хоҳиш-истаги билан кимларгадир керак бўлгани учун рўй бераётгани йўқ. Бу қуруқ гап-сўзлардан ва ўтмишни танқид қиладиган тезроқ амалий ишларга ўтиш учун, бу ишларнинг натижалари ҳар бир коллективда, ҳар бир оилада бугунги кунинг ўзидаёқ сезилиши учун, ҳар бир киши ким сафсатабозлик билан шуғулланяпти-ю, ким одамларни гиж-гижлаётганини, кимлар эса халқ учун фойдали ишлар билан шуғулланаётганини тушуниб олиши ва фарқига етиши учун қилинаётир.

Ҳар бир киши шуни аниқ-равшан тушуниб олиши керакки, биз барчамиз ўтирган қайиқни лопиллатиб чайқатиш эмас, балки уни тўғри ва қатъий йўлдан манзилга элтиш лозим. Фақат қаттиқ интизом ва масъулиятгина аҳволни тузатишига имконим комилдир.

Масалаларга мана шундай ёндашув негизида республикамизда амалга оширилаётган амалий ишлар тўғрисида сўзлаб беришни истардим. Олдиндан шуни айтиб қўйайки, гап биринчи навбатда қишлоқ тўғрисида боради. Негаки қишлоқда тараққиётимиздаги барча номутаносибликлар ва қолоқликлар, айниқса, яққол кўзга ташланади, зеро, аҳолининг кўпчилиги ҳам қишлоқларда яшайди.

Тўхталиш лозим бўлган биринчи масала томорқа учун ер ажратиш масаласидир. Аҳоли тез суръатлар билан кўпайиб бораётган республикамизда меҳнат ресурслари анча ортиқчадир. Очиғини айтганда, бу ишсизлик бўлиб, бизда бошқа жойларга қараганда кўп болали оилалар кўпдир. Оилада битта ишловчи қарамоғида 6 — 7 жон бўлиб, ҳар бир киши ҳисобига уларнинг даромади ошмаяпти, баъзи жойларда эса камайиб боряпти. Шу боис аҳоли учун ер участкалари ажратиш масаласи анчадан бери пишиб етилганди. Агар истасангиз, ҳамма бу муаммони ҳал этиш зарурлигини биларди ва тушунарди. Лекин бу масала билан жиддий равишда шуғулланадиган, бутун масъулиятни ўз зиммасига оладиган кишилар кам эди. Эндиликда мана шундай қарор қабул қилинди ва у ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Қарор қабул қилингандан сўнг ўтган бир ой ичида 60 мингдан зиёд оилага участкалар ажратиб берилди.

Ушбу масала қандай мақсадларни кўзда тутади ва қандай ҳал этилмоқда? Биринчи навбатда одамларни боқиш учун, Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида шу масала қўйилганлигини яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман. Халқнинг бутун тарихи маҳаллий аҳоли ўз ерида ишлашни севиши, бу ишни маҳорат ва катта самара билан бажаришидан далолат беради. Томорқаларнинг ҳар гектаридан (ҳозир республикада шундай майдонлар қарийб 200 минг гектар бўлиб, улар бутун экин майдонларининг 5 процентини ташкил этади) 12 минг сўмдан кўпроқ даромад олинмоқда. Бу жамоат секторидаги экин майдонларидан олинадиган даромаддан уч баравар кўп, демакдир.

Агар биз бошлаган программамизни ниҳоясига етказадиган бўлсак, аминманки бу ишни биз охирига етказамиз, у ҳолда 1991 йилгача салкам 200—250 минг гектар ерни томорқа участкаларига ажратиб берамиз. Шу йўл билан ҳар бир оилани боқишга ва бозорларда нарх-навони кескин пасайтиришга муваффақ бўламиз. Мазкур программани рўёбга чиқариш учун иккита масалани ҳал этиб олишимиз керак.

Биринчиси — тўраларча муносабатни бартараф этиш, жойларда ўрта бўғин томонидан — айрим район ва қишлоқ Советлари ходимлари, хўжалик раҳбарлари кўрсатаётган қаршиликни, таъмагирлик ҳолларини, область раҳбарларининг назорат қилмаётганликлари ва лоқайдликларини бартараф этиш;

Иккинчиси — аҳоли ўз томорқаларида етиштирган маҳсулотлар исрофгарчилигига йўл қўймаслик, уларни сотиш, етказиб бериш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган барча шароитларни муҳайё этишдир.

Мен ҳаммани ишонтириб айтмоқчиман ва айни пайтда огоҳлантириб қўймоқчиманки, бу масалалар назорат остида бўлади. Бу ишни муваффақиятли якунлаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шижоат етарлидир.

Якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратмасдан туриб, икки мингинчи йилгача бўлган Уй-жой программасини ҳал эта олмаймиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ якка тартибда уй-жой қуриш салмоғи умумий ҳажмнинг 60 процентдан кўпроғини ташкил этади. Бироқ биз фақат ер ажратиш билан чегараланиб қолмаймиз. Бинобарин, иморат қурувчиларни барча керакли имтиёзлар, қарзлар ва энг асосийси бинокорлик материаллари билан таъминлашни ҳам ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Бюросида банкларнинг ҳисоботларини кўриб чиқдик. Биз бу билан мана шу масаладан четда турган кишиларни, айниқса республикада якка тартибда уй-жой қурилиши аҳамиятини бадном қилаётган кишиларни биринчи марта огоҳлантириб қўйдик. Биз мана шу масалалар билан боғлиқ қийинчиликлар негизида бойлик орттираётган ходимлар, шу жумладан раҳбар ходимлар борлигини биламиз. Уларни фош этишда ҳуқуқ-тартибот органлари билан бир қаторда аҳолининг ўзи ҳам қатнашиши лозим.

Биз ер ажратиб берар эканмиз, одамларни, биринчи навбатда кўп болали оиларни иш билан таъминлаш, уларнинг социал таъминланганлигини ҳимоя қилиш учун муайян шарт-шароитлар яратяпмизки, бунинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу ҳақда илгари ҳам гапирилган эди. Бироқ янги авлоднинггина эмас, улар оиларининг тақдири ва келажагига алоқадор кишиларнинг психологиясини ўзгартириш муҳимдир. Қайта ташкил этилган Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги мана шу масалада ҳам ижобий роль ўйнаши даркор.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этишда жиддий йўналишлардан яна бири — бевосита район марказларида ва қишлоқларда чоғроқ цехлар ва корхоналар қуришдир. Уларда меҳнат кўп сарфланадиган, лекин материал ва энергия кам кетадиган буюмлар ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак. Йирик корхоналар ва заводлар билан мана шу программани амалга ошириш мақсадида бевосита алоқалар йўлга қўйилмоқда. Республика Министрлар Совети ниҳоят мана шу вазифани ўз қўлига олиб, бутун ишларни мувофиқлаштириб амалга ошириши керак.

Мен имкониятдан фойдаланиб, ветеранларимиз ва оқсоқолларимизга улар амалга ошираётган катта ишлар учун, танг масалаларни ҳал этишда, айниқса ёшларни тарбиялашда кўрсатаётган ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Бироқ биз қишлоқ, овул ва маҳалла комитетларининг жуда кўп сонли отрядига етарли баҳо бермаганлигимизни тан олиш керак. Кейинги пайтларда одамларнинг турмуш тарзига, уларнинг хулқи ва кайфиятига одатда қишлоқ ва маҳалла комитетларига сайланадиган ҳурматли оқсоқолларимиз таъсир кўрсатувчи асосий куч эканлигини унутиб қўйган эдик. Маҳалла шароитларида ўсиб вояга етган кишилар шуни яхши биладиларки, ҳар бир киши ва оила учун уларнинг қўшнилари ва умуман маҳалла берадиган баҳодан зўр нарса йўқдир.

(Давоми иккинчи бетда).

Мажлис пайти. Н. Кардаков ва М. Климов сурати.

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ОЛДИНДА — КАТТА ИШЛАР

25 сентябрь куни Кремлда СССР Олий Советининг иккинчи сессияси Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан ўз ишини бошлади.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи СССР Олий Советининг Раиси М. С. **Горбачев** 470 депутат рўйхатга олинганлигини маълум қилди ва парламент аъзоларининг фаоллигидан мамнун бўлганлигини айтди.

СССР Олий Совети сессиясини очар эканман, деди у, ҳурматли ўртоқлар, сизларни табриклайман ва бир қанча мулоҳазаларни айтишни истайман.

Биз энг аввало сессия ишига жамиятдаги ва мамлакатдаги реал вазият нуқтаи назаридан ёндашишимиз керак. Ўйлайманки, ҳозир унга кенгайтирилган тарзда таъриф беришнинг зарурати йўқ. Биз вазият сизларга яхши маълум бўлганлиги учунгина шундай қилаётганимиз йўқ. Кейинги кунларда, шунингдек деярли Олий Совет сессияси очилиши арафасида мен бу хусусда бир неча бор гапиришимга тўғри келди.

Олий Совет биринчи сессия ишининг сўнгги босқичида мамлакатдаги вазиятга берган баҳолар ўз кучини сақлаб қолмоқда, десак тўғри бўлади. Айни пайтда вазият баъзи жиҳатлардан ҳатто чигаллашди, деб қайд эта оламиз.

Ишимизни қайта бошлаш арафасида кузги сессиянинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаси тўғрисидаги масала фаол муҳокама қилинди. Бу мавзу халқ депутатлари доирасида ўтказилган мунозараларда ҳам, матбуотда ҳам, жамиятда ҳам диққат марказида бўлди. Мазмуни саёз бўлиб, кескин фикрлар, баъзан эса Олий Советга беҳурматлик муносабатлари кўриниб турган ғоят бир-бирига зид фикрларни эътиборга олмасак, жамиятда ушбу сессия ишига муҳим, баъзи ҳолларда эса фавқулодда муҳим аҳамият бермоқдалар. Сессиядан катта натижалар, кўпгина ҳаётий масалаларга жавоблар, муҳим қарорлар қабул қилинишини кутмоқдалар. Баҳорги сессиянинг якунловчи босқичида ана шу масалалар ҳақида гап борган эди. Бундай умидворлик ўринлидир. Бу эса вазият тақозосидир. Бу ҳақда мен гапириб ўтганимдек, социал кескинликка барҳам бериш учун ҳам, қайта қуришни барча соҳаларда дадил олға силжитиш учун ҳам шошилинч чоралар кўриш зарур. Аввало социал-иқтисодий соҳада ҳам шундай қилиш керак.

Кун тартибига киритилаётган масалалар жамият кутаётган ана шу чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан даҳол шуғулланиш имкониятини беради, деб ўйлайман. Ушбу сессия масалаларини муҳокама қилган СССР Олий Совети Президиуми барча аъзоларининг фикри ҳам шундай.

Кун тартибидаги масалаларнинг йиғиндиси ва уларнинг кетма-кетлиги тасодифий эмас. Ўртоқ Лукьянов масаланинг кун тартибига у ёки бу тарзда қўйилганлигини батафсилроқ асослаб беради. Мен эса сизларнинг эътиборингизни қуйидаги масалага жалб этишни истардим.

Биринчи галда ушбу сессия ишининг 1990 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш планини муҳокама этиш ва қабул қилишдан иборат жиҳатини алоҳида айтиб ўтаман. Эҳтимол, бу кимларгадир умуман одатдагидек туюлар, чунки бу иш билан ҳар йили ҳокиниятнинг олий органлари шуғулланиб келган. Аммо биз кўпгина муаммоларни, айни

(Давоми учинчи бетда).

ТЕРИЛГАН ПАХТА УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Мамлакатдаги пахтакор республикалар олдида турган энг ўткир социал-иқтисодий муаммолардан бири — пахта хом ашёсининг харид нархи пастлигидир. Аммо бу, КПСС Марказий Комитетининг яқинда ўз ишини тамомлаган Пленумида айтиб ўтилганидек, жиддий сиёсий муаммо ҳамдир. Мазкур муаммони ҳал этиш пайти келди ва уни кечиктириб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати иттифоқ бошқарув органлари олдига пахта хом ашёсининг харид нархини ошириш тўғрисидаги масалани бир неча марта кўйган эдилар. Чунки меҳнатга кам ҳақ тўланаётганлиги ҳосил терими сифатига салбий таъсир қилиб, деҳқонларни унумли меҳнат қилишга рағбатлантирмаяпти.

Республика деҳқончилигининг асосий маҳсулотига тўланадиган харид нархларининг пастлиги қишлоқни социал-иқтисодий ривожлантиришга ҳам салбий таъсир қилмоқда. Даромадларнинг камлиги ерлар унумдорлигини ошириш, зовурлар, социал-маданий ва маиший объектлар қуриш билан зарур даражада шуғулланиш имконини бермаяпти.

Республика раҳбарияти шуни ҳисобга олиб, 1991 йилда нарх белгилаш системасини қайта кўриб чиққунга қадар пахтанинг харид нархини ошириш имкониятини қидириб топишни илтимос қилиб мамлакат ҳукуматига мурожаат этди. Бу илтимосга тушуниб муносабатда бўлинди: СССР Министрлар Совети молиявий-иқтисодий вазият мураккаб бўлишига қарамай, 1989 йилда пахта хом ашёсининг харид нархига қўшимча ҳақ белгилашга ва 1990 йилдан бошлаб ана шу нархни янада оширишга қарор қилди.

Бу тадбирда кўзда тутилган биринчи галдаги вазифа— деҳқонларнинг моддий фаровонлигини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашдан иборатдир.

Эндиликда пахтакорларнинг меҳнатига қай тарика ҳақ тўланади?

Аввало — ушбу мавсум шарт-шароити тўғрисида. Терилган ҳар бир тонна 1- ва 2-нав ҳосил учун хўжаликка 90 сўм, 3-нав ҳосилнинг ҳар тоннаси учун 60 сўм тўланади. Шу тарика ҳозирнинг ўзидаёқ теримчилар терилган ҳар бир килограмм пахта учун камида 20 тийин олишлари мумкин.

Бу рақамлар келаси йилда анча ортади. Биринчи навлар хом ашёсининг бир тоннаси учун 210 сўм, 3-нав хом ашёсининг бир тоннаси учун 120 сўм тўланади. Шунга мувофиқ териб олинган ҳар бир килограмм пахтага тўланадиган ҳақ деярли икки баравар кўпаяди.

Тўғри, бунда хом ашё қайта ишланганидан сўнг олинган тола тури ҳам ҳисобга олинади. Яъни пахтани сифатли териб олиш рағбатлантирилади.

Масалан, бригада ёки звено хом ашёнинг 70 фоизини биринчи ва иккинчи нав билан териб олган бўлса, унда ҳар бир тонна учун 65 сўм пул тўланади. Агар ҳосилнинг 90 фоизи биринчи навларга топширилган бўлса, унда тўланадиган пул 85 сўмни ташкил этади. 1990 йилда теримчиларнинг даромади янада юқори бўлади. Яхши ишлаган теримчилар ҳар тонна пахта учун 180—190 сўм қўшимча пул олишлари мумкин.

Бунда қўл теримига ҳам, машина теримига ҳам бир хил қўшимча ҳақ тўланади.

Териб олинган хом ашё учун белгиланган янги нархлар энг аввало деҳқонларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлайди. Ўзбекистонда қўшимча ҳақнинг қарийб 70 фоизини теримчилар ва механизаторлар меҳнати учун тўлашга қарор қилинди.

Қолган маблағ социал соҳани ривожлантиришга сарфланади. Бу пуллардан поликлиникалар, маданият уйлари, мактаблар ва болалар боғчалари, уй-жойлар, дўконлар, республика колхозлари ва совхозларида йўллар қурилишида фойдаланилади.

[ЎзТАГ].

ЯНГИЛАНИШ НИШОНАЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ёшлар, уларнинг ота-оналари ва авлодлари узоқ йиллар давомида мисқоллаб оила обрўсини топганлар. Одамлар кўз ўнгида ана шу обрўни сақлаб қолиш учун курашмайдиган кишини мен тасаввур қилолмайман. Оила обрўсини йўқотиш кўпчилик учун ўлим билан баробар. Биз қишлоқ ва маҳалла комитетларининг роли ва обрўсини янада мустаҳкамлашимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак. Яқин кунларда республика Министрлар Советининг маҳалла комитетларининг раислари ва котибларига иш ҳақи тайинлаш тўғрисидаги қарори чиқади (ҳозирги вақтга қадар улар иш ҳақи олмасдан ишлаб келардилар). Бу ойлик маош тегишли тарзда 170—130 ва 150—110 сўм миқдорида бўлади. Ана шу мақсадлар учун маҳаллий бюджетлардан жами 10 миллионга яқин сўм ажратилади.

— Тўпланиб қолган муаммоларнинг навбатдаги катта қатлами пахта яккаҳокимлиги деб аталган масала билан боғлиқдир. Бу муаммо, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳамманн — кексаларни ҳам, ёшларни ҳам ташвишлантириб келмоқда.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам республикада жуда мураккаб вазият юзага келди. Ў, аввало, баъзи районларда суғориладиган ерларнинг 85 фоизигача қисмида фақат пахта етиштиришдан келиб чиққан. Биз нима учун шу даражага етганлигимиз ва бу ҳол қандай нохуш оқибатларга олиб келганлигининг сабаблари тўғрисида кўп гаплар бўлди. Бундай ҳолнинг юз беришига сабаб, аввало шундаки, деҳқоннинг ўзи — пахтакор, бригада бошлиғи, хўжаликларнинг раҳбарлари ҳар доим планлаштиришдан четда эдилар, улар билан ҳеч ким ҳисоблашилмасди. Қўшиб ёзишлар ва кимларнингдир ўз халқини талаш ҳисобидан орттирган бойлик ва маблағлари давлатга зарар келтирди ва асосан деҳқоннинг елкасига тушди, кўпгина оилаларнинг тақдири ва аҳволини мушкул қилиб қўйди.

Биз шуни асло эсдан чиқармаслигимиз керакки, ишлаб чиқарувчилар, хўжаликларнинг ўзлари белгилайдиган реал план умуман республика бўйича планга асос қилиб олиниши лозим. Бу мана шу иш ишониб топшириб қўйилган кишилар амал қилиши лозим бўлган принципиал қоидадир.

Шундан келиб чиқиб, биз Иттифоқ ҳукуматига Ўзбекистон ССР учун 1990 ва ундан кейинги йилларда пахта толаси етиштириш планини 1 миллион 500 минг тонна ҳажмида ёки 1988 йилдагига нисбатан 215 минг тонна кам ҳажмда белгилашни асослаб бердик ва бунга ишонтиришга муваффақ бўлдик. Бу пахта хом ашёсига ажратилганда тахминан 600—700 минг тонна камдир. Энди ҳар бир область, районга пахта толаси бўйича топшириқлар белгиланади. Қандай экинни қанча миқдорда экиш, экин майдонларини қандай тақсимлаш масалаларини хўжаликларнинг ўзлари ҳал қилишлари керак.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, бунда ерни пахта билан банд этиш айрим хўжаликларда 56—63 процентгача камаяди. Белгиланган топшириқ оқилона тақсимланганда амалда республиканинг ҳамма областлари ва районларида илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш учун норматив база яратилади. Бунда хўжаликлар, район, областнинг ҳар бир раҳбарлари колхозлар ва совхозларнинг даромадлари ҳар қандай ҳолларда ҳам камаймаслиги, аксинча тобора кўпайиб бориши тўғрисида бош қотириши ва бунга жавоб бериши керак.

Афсуски, бу масалага лоқайдлик билан қараётган раҳбарлар, шу жумладан, областлар раҳбарлари ҳам борки, улар негадир бу хусусда ташвишланмаётирлар, ўзгаларнинг ҳамёнидаги, деҳқоннинг ҳамёнидаги пулларни чўтлашни афзал кўрадилар. Жамоат секторидаги (колхозлар ва совхозлардаги) даромадларнинг камайишини ерлар яккга тартибдаги ёрдамчи хўжаликларга берилаётганлиги ва шунинг орқасида шахсий томорқадаги маҳсулотларни бозорда сотаётган кишиларнинг даромадлари кўпаётганлиги билан изоҳлаш ва оқлашга уринишлар бор. Бу ўртоқлар шуни аниқ-равшан билиб олишлари керакки, жамоат секторидаги даромадларни ўстириш — бу, уларнинг биринчи даражали вазифаси ва уни бошқа ҳар қандай масалалар ва участкалар билан боғлаш ярамайди. Ҳар бир меҳнатчи ўз томорқа хўжалигида тер тўкиб қанақанги даромад олмасин, жамоат секторига бўлган қизиқишни сира ҳам йўқотмаслиги керак. Бу принципиал масала. Ҳалол меҳнат қилган киши ўз меҳнати учун ҳақни тўла олиши керак.

Республикада пахтанинг нархи масаласида ташвишланмаётган бирорта ҳам киши топилмайди. Ҳамма нарса: машаққатли меҳнат учун адолатли ҳақ тўлаш ҳам, ана шу экинни етиштириш билан банд бўлган миллион-миллион кишиларнинг тирикчилиги ҳам, авваламбор қишлоқда социал соҳанинг ривожланиши ҳам, ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳам, пахтачилик соҳасига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий аҳволи ҳам пахтанинг нархи билан боғлиқдир. Хуллас, бу муаммога дахлдор бўлмаган ҳеч бир соҳа йўқ.

Пахта нархини ошириш масаласи кўпдан бери етилган, пахтакорлар бу масалани эндигина қўяётганлари йўқ. Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, манфаатдор органлар бу муаммога жиддий ва илмий асосланган ҳолда ёндашган эмаслар. Нархларни қанчага ва нима учун кўпайтириш кераклиги масаласида ягона, пухта ўйлаб кўрилган таклиф ҳозирга қадар ҳам йўқлиги шу билан изоҳланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи ва қишлоққа етказиб берилаётган саноат маҳсулоти ўртасидаги нархларнинг адолатли нисбати бузилганлиги кўпдан буён маълум. Умуман қишлоқларнинг аҳволи муайян даражада пахта билан бир қаторда, бошқа кўпгина маҳсулотларнинг ҳам харид нархи асоссиз равишда пастлиги билан изоҳланади.

Масалан, бизнинг шароитимизда картошканинг харид нархи 23 тийин. Ваҳолонки, унинг ўртача таннархи 32 тийин. Полизчилик маҳсулотлари (тарвуз) шунга мувофиқ равишда 6 ва 8 тийин, узумники 30 ва 32 тийин, маккажўхорининг 11 ва 13 тийин, помидорнинг харид нархи эса атиги 18 тийин. Шунинг учун кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, пилла, шоли, ғалла, мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари кабиларнинг нархларини ислоҳ қилиш масаласи кўпдан бери етилган. Ва шу масалалар юзасидан зарур материаллар, ҳисоб-китоблар ва таклифлар тайёрланди.

Бу масалани биринчи марта кўриб чиқиш уни ҳал этиш жуда катта маблағлар талаб этишини кўрсатди. Инсоф билан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бундай катта маблағлар ҳозирча етишмай турибди. Матбуотда ҳам бу ҳақда очиқ-ойдин ёзиляпти. Қишлоқда етиштирилаётган хом ашёга ва ундан олинадиган саноат маҳсулотига нисбатан харид нархларини уйғунлаштириш ва бошқа кўпгина масалалар ҳал этилганича йўқ. Харид нархларининг оширилиши бозордаги нарх-навога таъсир этишига йўл қўйиб бўлмайди — аҳоли бундан зарар кўради.

Шу муносабат билан нархларни ислоҳ қилиш масаласини келгуси беш йиллик плани билан бирга 1991 йилда кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу бутун мамлакат миқёсида бўлади. Лекин пахтакор республикаларда ва аввало Ўзбекистонда юзага келган ночор аҳволни эътиборга олиб, мамлакатимиз раҳбарлари шу йилдан бошлаб ва 1990 йил учун пахтанинг ҳозирги нархларига қўшимча ҳақ бериш учун қўшимча маблағлар ва манбаларни қидириб топишни лозим кўрдилар. Шу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг умумий суммаси бизнинг республикамиз бўйича шу давр учун 1 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этади. Бу йил I ва II нав пахтага (ўрта толали навлар) 90 сўм, III нав га — 60 сўм қўшимча ҳақ берилади. 1990 йилда I ва II навга 210 сўмдан, III навга — 120 сўмдан тўланади.

Умуман, республика бўйича қўшимча ҳақларни ҳисобга олганда, 1 тонна пахтанинг ўртача нархи ёки йил 900 сўмни, келгуси йилда эса ҳисобот йилидаги 806 сўм ўрнига 1016 сўмни ташкил этади. Шунингдек, камроқ бўлсада, ингичка толали пахтанинг нархи ҳам ошади.

Шуни яна бир бор огоҳлантириб ўтмоқчиманки, қўшимча ҳақга маблағ ажратилди, нархлар ислоҳоти эса 1991 йилда бўлади. Бизда пахтанинг 1 тоннаси учун ўртача нарх камида 1500 сўмни ташкил этади, деб ишонишга ҳамма асослар бор. Айни вақтда шуни ҳам эсда тутиш керакки, пахтани реализация қилишдан олинадиган даромаднинг кўпайиши биринчи навбатда етиштирилаётган пахта ҳосилининг сифатини яхшилаш билан боғлиқдир. Об-ҳаво ноқулайликлари туфайли бу йилги пахта ҳосили ўтган йилдагига нисбатан анча кеч етилаётганлиги важидан бу айниқса муҳимдир.

— КПСС Марказий Комитети Пленуми келаси йили партиянинг XXVIII съездини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Модомики, бугун биз қишлоқнинг вазифалари тўғрисида гапираётган эканмиз, бу соҳада нима ишлар қилиш лозим бўлади?

— Пленум партия съездини чақириш муддатини яқинлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, у бундан кейинги олга томон ҳаракатимизнинг аниқ программасини белгилаб беради. Бинобарин, Ўзбекистонда республикамиз мамлакат коммунистлари съездини иқтисодиёт, маданият, социал соҳаларда қандай ютуқлар билан кутиб олишига бирор киши ҳам бефарқ қарамаслиги керак. Бизларнинг ҳаммамизга, хусусан, раҳбарларга республика маҳаллий Советлари ва Олий Советига бўлажак сайловлар жиддий баҳо беради. Биз ўзимизнинг қатъий позициямизни белгилаб олишимиз керак, бу ишларни пухта амалга ошириш учун жуда кам вақт қолди. Бизнинг конкрет ишларимиз, кишилар тўғрисидаги конкрет ғамхўрлигимиз — бу сайловолди курашларда энг яхши ташвиқот ва тарғиботдир. Бу сафар ҳеч ким ёлғон ваъдаларга ва ғалдонликка ўчмайди. Буни ҳар бир киши эсда тутиши керак.

Ҳозирги вақтда ҳаммамизни ўйлантираётган энг асосий масала — бу партия сафларини мустаҳкамлаш, унинг ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларини қайта қуришдаги роли ва обрўсини ошириш тўғрисидаги масаладир. Биз шуни эътироф этишимиз керакки, омманинг сиёсатдонлиги ва онги тобора ўсиб бораётган ҳозирги вақтда, биз кўп ҳолларда бир хил фикрламаётган кишиларни, ўз муҳоҳазаларини дадил ва очиқ-ойдин билдираётган кишиларни норасмийлар қаторига қўшяпмиз. Менинг фикримча, бу—масалага эски андоза билан бир қолипда ва юзаки ёндашишдир. Бошқача айтганда, биз ҳамон эскича фикр юритмоқдамиз. Ўзбекистон янги кучларнинг, аввало, талантли, ўсиб келаётган ёшларнинг, адолат учун, тараққиёт учун ҳақиқий курашчиларнинг янги кучлари оқимига муҳтождир. Улар учун кишиларнинг, ўзлари яшаётган ўлканинг, республиканинг ва бутун мамлакатнинг манфаатлари ўзларининг ёки айрим гуруҳларнинг манфаатларидан устундир.

Ишончим комилки, бу кишиларнинг интилиши ўз асоси билан партиямиз манфаатларига уйғундир, бинобарин, вазифалар ва пировард мақсадлар, яъни халқимиз фаровонлиги, келажаги хусусидаги мақсадлар бир экан, айни пайтда беҳуда ўзимизни бир-биримизга қарама-қарши қўйиб, муносабатларни шу тариқа аниқлаб, кучларимизни беҳуда сарфлаб юрибмиз. Бундан аввало умумий ишимиз зарар кўради, халқимиз зарар кўради.

Энди бугунги вазифалар ҳақида бироз тўхталмоқчиман. Бу вазифалар том маъноси билан шу заминда ҳал этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги йили жуда оғир келди. Бу фақат пахтачилик учунгина оғир, деган гап эмас. Жала ва совуқ кунлар май ойига қадар давом этиб, жуда катта зарар келтирди. Дастлабки маълумотларга кўра, бой берилган мева ва узум 200 минг тоннани, сабзавот ва полиз маҳсулотлари — 350 минг тоннани, пахта — 200—250 минг тоннани ташкил этади. Пулга чақилганда бу қарийб 800 миллион сўм, демакдир. Бизнинг деҳқонларимиз кечани-кеча демай, халқнинг ишбилармонлиги ва қаҳрамонона меҳнати туфайли ғўзаларни сақлаб қолдилар ва қайта тикладилар. Шунга қарамай, ғўза ривожланишдан бирмунча кечикди. Йиғим-терим палласи ҳам бирмунча орқага сурилди. Баъзи жойларда ҳамон ҳосил тўплаш давом этмоқда.

Бу ерда мен агротехниканинг ўзига хос хусусиятлари, дефолиациянинг муддатлари, юзага келган шароитда техниканинг шайлиги тўғрисида гапириб ўтирмайман. Зеро, мутахассислар ва деҳқонлар ўз вазифаларини яхши билишади, ҳосил тақдири учун масъулиятни яхши тушунишади. Фақат улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, йиғим-терим конвейерини аниқ ташкил этиш, унумли ишлаш ва ҳордиқ чиқариш учун энг яхши шароитлар яратиш керак. Терим конвейерида ижара муносабатларини, хўжалик ҳисобини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш муҳимдир. Бу борада биз эскича иш тутишга ҳали барҳам берган эмасмиз. Лекин биз бунга қарши кескин курашамиз, ишга мустақил ва ижобий ёндашувни ҳар томонлама рағбатлантирамиз. Чунки деҳқонларимиз орасида қанчадан-қанча ташаббускор, меҳнаткаш, оқилона фикр юритувчи кишилар бор! Мен бундай кишиларнинг кўпларини биламан, меҳнат бобидаги ҳақиқий ташаббускорларни кўп кўрганман. Айнн шу кишилар йиғим-терим палласида ҳам юксак масъулият ва меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатишларига, пировард натижага эришишда ишбилармонлик қилишларига, уларнинг бу ибратига бошқалар ҳам, албатта, эргашишига ишонаман.

Ҳосилни сақлаб қолиш керак. Бунда биз шаҳарликлар, студентлар, саноат корхоналарининг ишчилари онглилигига, уларнинг деҳқонлар билан бирдамлик туйғусига умид боғлаймиз. Ва ниҳоят, уларнинг бой қишлоқ бўлмаса, бой шаҳар ҳам ҳеч қачон бўлмайди, деган ҳақиқатни чуқур тушуниб етишларига ишонамиз. Бу ишларнинг ҳаммаси мажбур қилинмасдан, ихтиёрий равишда, фақат иқтисодий манфаатдорлик асосида бўлиши керак, албатта.

Лекин йиғим-терим палласи — қишлоқ хўжалиги йилининг якунловчи босқичида жуда масъулиятли бўлса ҳам, ишнинг бир қисми, холос. Айни вақтда беш йилликнинг сўнгги йили ҳосили учун замин яратишимиз керак. Бу ўринда хўжалик ишлари борасида тавсиялар бериб ўтирмайман. Фақат шуни ишонч билдириб айтаманки, бу иш ҳам қишлоқда ўзини оқлаган хўжалик ҳисоби ва ижара усулларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади, иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади. Пахтага қўшимча ҳақ жорий этилиши билан бунинг учун реал имкониятлар яратилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари олдида ҳам шундай вазифалар турибди. Уларга биз совуққонлик билан, иккинчи даражали иш деб қарамаслигимиз керак. Озуқа, мева-сабзавот ва картошкани, ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашни, фермалар ва қўраларни чорва қишловига ҳозирлашни ниҳоясига етказиш керак.

Ҳамма жойда партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари, меҳнат коллективлари тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, барча қишлоқ хўжалиги ишларини ўз вақтида ўтказиш йўлини тутишлари лозим. Ишларни мумкин қадар тезроқ қайта қуриб олиш, агросаноат комплексининг кўпдан-кўп муаммоларини янада тезкорлик билан ва малакалироқ ҳал этиш керак.

Ҳар бир киши ўз ўрнида ўзига топширилган ишни ҳалол ва виждонан бажариши зарур — бу партия бошлаб берган қайта қуришга, жамиятни янгилашга ўзини дахлдор деб билган ҳар бир кишининг жонажон ишидир.

СИЕСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

«В. И. Ленин миллий масала ва миллий сиёсат ҳақида» деган тематик тўплам босмадан чиқди. Унга В. И. Ленининг мамлакатимизда миллий масалани ҳал этиш тарихи, назарияси, ленинча принциплари ва практикаси акс эттирилган, партия миллий сиёсатининг интернационал моҳияти баён этилган асарларидан парчалар, мақолалари, нутқлари, мактубларидан ва айрим фикр-мулоҳазалари киритилган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. Тўплам партия фаолларига, лекторларга, тарғиботчиларга, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси тингловчиларига мўлжалланган.

(ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

№ 341
1989 йил 27 сентябрь
Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1989 ЙИЛ ОКТЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ МУДДАТЛИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатларини ўтаб бўлган муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар 1989 йил октябрь-декабрь ойларида запасга бўшатилсин.

2. Ҳарбий хизматга чақириш кунигача 18 ёшга тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эркак гражданлар, шунингдек чақириқни кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақириқ ёшидаги катта гражданлар 1989 йил октябрь-декабрь ойларида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

25 сентябрь куни кооперативлар фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Кооперативлардан олинадиган даромад солиғи ставкалари миқдори тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССР территориясида кооператив якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи турларини тақиқлаш ҳақида»ги Фармонларининг лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокама давомида республикадаги кооператив ҳаракати халқ хўжалигининг ва аҳолининг халқ истеъмоли молларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, хилма-хил хизматлар кўрсатишга кўмаклашаётганлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга кооперативларни ривожлантиришда ижобий тенденциялар билан бир қаторда уларнинг ишида жиддий салбий жиҳатлар борлиги ҳам таъкидланди.

Савдо-харид, воситачилик, илмий-конструкторлик ва бошқа кооперативлар сони тобора тез кўпайиб бормоқда. Улар социалистик бозорни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашмай, республикада пул муомаласига, иқтисодий жиҳатдан асосланган кредит сиёсатини ўтказишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Давлат мулки ва кооператив мулк билан чайқовчилик қилиш, уни ўғирлаш билан боғлиқ жиноий жиноятлар кўпаймоқда, пинҳона экономика ошкора тус олмоқда, бу эса аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашувига ва социал можаролар учун замин яратишга олиб келмоқда. Комиссия кўриб чиқилган Фармонлар лойиҳаларини кўпчилик овоз билан маъқуллади; улар кооператив фаолиятини ривожлантиришда салбий ҳолатлар таъсирини кескин камайтириш имконини берадиган тадбирларни, жумладан фаолият айрим турларини тақиқлашга доир тадбирларни амалга оширишга қаратилган. Муҳокамада республиканинг етакчи иқтисодий органлари, министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ходимлари, Ўзбекистон кооперативлар уюшмасининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлисни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР давлат план комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат ишларини бошқаришда, социал-иқтисодий ривожланишни бевосита таъминлашда маҳаллий Советлар фаолиятининг тобора ошиб бораётган аҳамиятини назарда тутиб ва уларнинг аҳоли билан олиб бориладиган ишларини кучайтириш мақсадида халқ депутатлари Советлари шаҳар, шаҳарлардаги район ижроия комитетлари маҳалла комитетларининг ролини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, областлар ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларига 1990 йил 1 январдан бошлаб халқ депутатлари шаҳар, шаҳарлардаги район ижроия комитетлари маҳалла комитетларининг штатига маҳалла комитетининг раиси ва секретари лавозимларини киритиш топширилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига маҳалла комитетларини биноларга зарур анжомлар билан таъминлаш, зарурат бўлганида эса маҳалла комитетлари биноларини капитал ремонт қилишга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш таклиф этилди.

● *Диққат: янгилик*

КОМПЬЮТЕР ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАЙДИ

Бош инженер муовини Баҳодир Каримов завод ҳақида ҳикоя қилар экан:

— Юз бор эшитгандан бир марта кўрган афзал, — деди. — Яхшиси, цехларни айланайлик.

Рози бўлдик. «Кибернетика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-синов заводи ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бундан ўн бир йил муқаддам завод ностандарт асбоб-ускуналар — логик анализаторлар, термина дисплей ишлаб чиқара бошлади. 1980 йилдан бери ҳаво босими билан ишлайдиган тажриба учун пахта теріш машинаси яратиш устида изланишяпти.

Баҳодир Каримов изоҳ беради:

— Бундай машина ҳар йили бир нусхадан яратилади.

— Ўтган йили ҳосилни йиғиб-териб олишга ишлатилгандир?

— Бўлмасам-чи? Конструкторлар машинанинг ишлаш жараёнини юз марталаб кўздан кечирадилар, янги-янги лойиҳа, чизмалар тайёрлайдилар. Ишчиларимиз ана шу чизма асосида машина соэлайдилар.

Цехлар бўйлаб айланамиз. Икки йилдирки, завод шахсий «Ёшлик» компьютерлари ишлаб чиқаряпти. Бугунги кунда компьютерларнинг иккинчи нусхаси яратиляпти. Бу нусхада қандай янгиликлар бор. Албатта, унинг ташқи кўринниши эстетик дид билан безатилган, программаси компьютернинг ўзига киритилган.

Завод ўтган йили Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси билан тузилган шартномага мувофиқ ўқувчилар учун мингдан ортиқ мана шундай мўъжизани совға қилди. Бу «мўъжиза» айниқса, Куйбишев районининг 100 дан зиёд мактабларида ишлаб турибди.

Куйбишев район халқ таълими бўлими ана шу компьютерлардан иборат кўчма автобус ташкил этди. Тўғри, компьютерлаштирилган мактаблар нисбатан оз. Шунинг учун кўчма автобус ана шундай мактабларга хизмат қилаётир.

Бу йил завод маҳсулотига талаб ортиб бораётганини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин. Қирғизистон ССРнинг Ўш области 500 та, Қозоғистон ССРнинг Чимкент области 200 та, Жамбул шаҳри 100 та, Фарғона области 30 та буюртма берган.

Қизилтепа районидаги Ибн Сино номли мактаб ўқитувчиси Исмат Фатхуллаевни шу ерда учратдик.

— Биз ҳам «Ёшлик» компьютерига қизиқиб қолдик, — деди у. — Куйбишев районидагидек кўчма автобус ташкил қилдик. Бу ҳар бир йигит-қизда катта иштиёқ уйғотади, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда шахсий компьютерларнинг учинчи нусхасини ишлаб чиқариш йўлга қўйиляпти. У «Осиё» деб номланган. Бу компьютерлар бир йўла 3 тилда— ўзбекча, русча, лотинча ишлай олади. Унинг яна бир хусусияти бор: «Осиё» компьютерларини қозоқча, тожикча, қирғизча, қорақалпоқча ёки исталган бошқа тилда ҳам ишлатиш мумкин.

«Осиё» компьютери муаллифлари Мирзоҳид Миноров ва Мираъзам Миразизов ўзлари яратаётган мўъжизанинг мўъжаз сирлари устида ўйлашар, нозик ва мураккаб чизмалардан нусха кўчирар, жой-жойига қўйишарди.

— «Осиё» «Ёшлик» компьютерларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади, — сўраймиз.

Мирзоҳид Миноров диққатимизни бир зум ойнайи жаҳонга жалб қилди-да, сўнг бирма-бир тушунтира кетди.

— Аввало хотира ҳажми 128 килобайтгача кенгайтирилган, экран катталаштирилган, ҳарфлари давр талабига мос. Буюртма бўлса, эски ўзбек ёзувини ҳам киритиш мумкин.

«Осиё»нинг қулайлиги яна шундаки, уни мактабгача тарбия муассасаларида ҳам қўллаш мумкин. Негаки, унда 16 хил ранг ўрнатилган. Ўқув программаларини ҳам тузиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда муҳим муаммо кўндаланг турганлигини ҳис этамиз. Республика Халқ таълими министрлиги ёки Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти коллективи программалаштириш бўйича қайғуришлари керак. Шунда ўқувчилар учун шахсий компьютерлардан оқилона фойдаланиш имконияти яратилган бўларди.

Бош инженер Д. Яловкин завод таъминотида узилишлар содир бўлаётганлиги хусусида тўхталди. Бунинг сабаби бор. Корхона Ўзбекистон ССР Фанлар академияси таркибида бўлганлиги учун ҳам унга етарли эътибор берилмаяпти. Республика Давлат план комитети, бирор министрлик қарамогида бўлса бошқа гап эди.

Яқинда «Компьютероникс Индия» компаниясининг президенти Вивик Сингал корхонага меҳмон бўлиб келди. У «Кибернетика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-синов заводи директори С. Хўжаев билан «Совинд-электроник» муассасасини ҳамкорликда бунёд этиш бўйича шартнома туздилар. Бу ишда Тожикистон ҳисоблаш техникаси муассасаси ҳам иштирок этади.

Шартномага мувофиқ қилинадиган ишлар хусусида корхона директори С. Хўжаев шундай ҳикоя қилади:

— Ҳамкорликдаги ишимиз келгуси йилдан бошланади. Унинг биринчи босқичида ҳисоблаш техникаси учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Иккинчи босқичи эса ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Биз бунда электрон машиналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Бу янгидан янги муаммоларни келтириб чиқаряпти. Бугунги кунда заводнинг янги биноси қурилиши ҳалқа йўли бўйлаб Бўзсув ёнида давом этяпти. Қурилиш 1981 йили бошланган эди. Лойиҳа бўйича шу кунларда тўла қувват билан ишлаши лозим эди. Афсуски, бирор бир корхона муддатида қурилиб, фойдаланишга топширилмаётир. «Дангасанинг баҳонаси кўп» дейдилар. Бу ерда ҳам турли ускуналар, дастгоҳлар етишмаяпти. Натижада лойиҳага ўзгартириш киритишга мажбур бўлинди. Ҳозирча заводни 1991 йили фойдаланишга топшириш ҳақида ваъда қилинмоқда.

Завод раҳбарлари ҳам, ишчилар ҳам янги бинога умид қилишмоқда. Жумладан, янги завод ҳозир ишлаб турганида, ҳар йили 40 миллион сўм фойда берган бўлур эди.

Тажриба-синов заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Харидорлар бу ерда ишланган турли ўйинчоқлар, автомашиналар учун эҳтиёт қисмларни орзиқиб харид этишмоқда.

Яна цехларни айланамиз. Ўнлаб ижодкорлар келажагимиз меваси — болаларимиз учун янги-янги компьютерлар устида бош қотиришяпти. Ҳа, компьютерлар ўзбекча сўзлаяпти.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

«Совет Ўзбекистони» пахта штабидан

Бу суратлар Сирдарё область пахтазорларида олинган. 1. Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхознинг илғор теримчилари З. Назарова ва Н. Болтабоева. 2. Деҳқон қўлида «оқ олтин» чаноғи. 3. Оқ олтин районидаги Ворошилов номли совхоз механизатори Ҳ. Давронов. У бу йил машина билан 150 тонна пахта терди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Телефонда Поп район газетаси мухбири Сиддиқали Қўчқоров:

— «Дўстлик» колхозининг Нўлчибой Рустамов бошлиқ бригада деҳқонлари 78 гектар майдонда пахта етиштирди. Улар ҳосилнинг 90 фоизини техника ёрдамида териб олишмоқчи. 4 та пахта теріш машинаси пайкалларга киритилди. Икки иш кунида эса бригаданинг Б. Ҳолиқназарова бошлиқ оилавий звеноси 12,5 тонна пахта топшириб, йиллик планни бажаришди. Улар ҳосилдорликни гектарига 40 центнерга етказишга аҳд қилишган.

Колхозда терим суръати кундан-кунга ошмоқда. Б. Номозов, Ҳ. Мавлонов сингари дала гвардиячилари ҳар куни ўз агрегатлари билан 5-6 тоннадан пахта термоқдалар.

Яна бир хушхабар. «Коммунизм» колхозидан С. Қўчқоров бошлиқ оилавий звено гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, пахта планини ўринлатди. Коллектив аъзолари 35 центнерлик марра учун пахта теримини давом эттиришяпти...».

Эллиққалъа район партия комитети инструктори, матбуот маркази бошлиғи М. Айтимов:

— «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхоз-техникумида бир йўла икки бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажаргани ҳақида рапорт берди. Бекназар Очилов бош бўлган коллектив 41 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олиб, қабул пунктига 120 тонна пахта топширди. Норхол Нуримов етакчилик қилаётган 2-бригада деҳқонлари гектаридан 33 центнердан пахта етиштиришди. Улар хирмонга 100 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдилар.

Айни кунларда совхоз-техникумда 41 та пахта теріш машинаси унум билан ишлатиляпти. Механизаторлар уч отрядга бўлинган ҳолда меҳнат қилишаётир. Ҳозиргача механизаторлардан Худойназар Ҳамроев 70 тонна, Мурод Ҳақназаров 51 тонна пахта териб илғорлик қилишаётир.

Линияда «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири Р. ШОДИЕВ навбатчилик қилди.

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ОЛДИНДА—КАТТА ИШЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

пайтда ҳеч кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишимиз зарур бўлган ҳозирги конкрет вазиятда планни қабул қилиш менингча фавқулодда аҳамиятга молик ишдир. Биз бу масъулиятли ишни кимнингдир зиммасига юклай олмаймиз. Биз жамиятни ташвишга солаётган барча масалаларни кўриб чиқиб, қарор қабул қилишимиз керак. Келгуси йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш плани лойиҳасини муҳокама қилиш доираси бунга имкон беради.

Ҳар қандай қарор далилисботли, пухта ўйланган, масъулиятли қарор бўлиши лозим. Биз сизлар билан айнан нима учун у ёки бу масалани шу тарзда ҳал этаётганлигимиз совет кишиларига аниқ-равшан бўлиши керак. План доирасида энг аввало истеъмол бозоридаги аҳволни нормаллаштиришга оид тадбирлар ишлаб чиқилиши даркор. Бу эса бозорни товарлар билан мўл-кўл таъминлаш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширишни ва айни пайтда пул даромадлари асоссиз ошиб кетишига йўл қўймасликни кўзда тутади. 1990 йилги планда экономикамизнинг ижтимоий йўналишини кучайтиришга қаратилган йўл давом эттирилиши лозим. Келгуси йил —экономикамизни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган катта-катта қарорлар қабул қилинадиган йилдир.

Мана шу барча қийин қарорларни ишлаб чиқиб, қабул қилар эканмиз, нима учун шундай қарорлар зарурлигини, улар келгуси йилдаёқ қандай натижаларга олиб келиши ва бундай қарорлар қабул қилинмаса, бизни нималар кутиши мумкинлигини халқимизга яққол кўрсатиб бериш зарур.

Яна бир муҳим жиҳатни олайлик. Олий Совет транспорт ишқ тўғрисида, иш ташлашларга муносабат, савдо соҳасида тартиб ўрнатиш ва кооперативлар иши ҳақида, қишга тайёргарлик ҳақида қатъий йўлни белгилаб олиши ва қарорлар қабул қилиши лозим. Одамлар турмушига бевосита алоқадор бўлган мана шу барча масалалар комитетлар ва комиссиялар, палаталар, умуман Олий Совет сессияси ишининг диққат марказида бўлиши керак. Ҳукумат мана шу барча масалалар юзасидан республикалар, СССР Олий Совети комиссиялари, комитетлари билан ҳамжиҳатликда ҳеч кечиктирмай таклифлар тайёрлаши ва тақдим этиши даркор.

Сўнгра. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни дадил олға силжитиш, миллатлараро муносабатларда кескинликни пасайтириш зарурати биринчи навбатда мулк тўғрисидаги, ер ҳақидаги, ижара ва ижара муносабатлари, солиқ системаси ҳақидаги қонунлар лойиҳаларини ва шу каби СССР Олий Совети баҳорги сессияси ишини тугаллаётганимизда назарда тутилган ишларни кўриб чиқишни тақозо этади. Шунингдек республика ва маҳаллий Советларга бўлажак сайловни ҳисобга олган ҳолда СССР Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, миллий соҳага тааллуқли масалалар юзасидан бир қанча қонун актларини қабул қилиш зарур.

Агар кун тартибида кўзда тутилаётган масалалар бутун рўйхатини назарда тутадиган бўлсак, биз жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришимиз керак бўлади, дейиш мумкин. Кўриниб турибдики, бу биринчи сессияга нисбатан ишнинг бошқача тусда бўлишини — юксак даражадаги уюшқоқликни, ишчанликни, иш вақтидан оқилона фойдаланишни кўзда тутади. Келинглар, бу йўлда ҳамкорлик қилайлик. Шуни зўр ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятда кун тартибидаги масалаларни ҳал этишга айни мана шундай ёндашувларни кутмоқдалар.

Яна бир муаммога тўхтаб ўтишни истардим, ўртоқлар. Биз ҳаммамиз интизомни яхшилаш, мамлакатда давлат ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш ғоят зарурлигини ҳис этиб турибмиз. СССР Олий Совети биринчи сессиясининг охирида биз жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга оид қарорни амалда яқдиллик билан қабул қилган эдик...

Ишлар шу асосда авж олдирилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки, ҳозирча унчалик катта бўлмасада, ўз самараларини бера бошлади. Шуни кўрмаслик мумкин эмаски, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари дадилроқ ва фаолроқ ҳаракат қила бошлаган, жамоатчилик эса уларни яхшироқ қўллаб-қувватлаётган бўлса-да, бу ишда бурилиш тўғрисида гапириш эрта, чунки жиноятчилик ҳозирча кўпайиб бормоқда. Бизни асосан нималар ташвишлантирмоқда? Кўпинча миллатлараро можаролар, у ёки бу талабларни (улар ҳатто асосли бўлса-да) куч ишлатиш, турли шартлар қўйиш йўли билан қондиришга уринишлар билан боғлиқ жамоат тартибсизликлари натижасида корхоналар ва муассасаларнинг нормал ишлаши, одамларнинг меҳнат қилиши ва кундалик меҳнат шароити, кайфияти ва ҳатто шахсий хавфсизлиги хавф остига қўйилмоқда.

Бу ғоят номақбул, хатарли ҳолат бўлиб, қайта қуриш жараёнларини ривожлантиришга ғоят тўсқинлик қилиши ва бутун жамиятнинг норозилигига сабаб бўлиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мен бундан бир неча кун аввал КПСС Марказий Комитети аъзолари бўлмиш ишчи ва деҳқонлар билан қилган суҳбатимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Муросасизлик, куч ишлатиш йўлидан бориш — муаммоларни ҳал этиш усули эмаслигини жамиятимизда тушуниб олиш муҳимдир. Аксинча, бундай йўл тутиш билан ҳар қандай масалани ҳал этишни ноаниқ муддатга кечиктириб юбориш, уни чигаллаштириш мумкин, холос. Биз интилаётган демократик ва ҳуқуқий давлат шароитида сиёсий ҳаракатнинг қонунга таяниш, ҳар қандай масалаларни энг аввало келишиш йўли билан ҳал этишга интилишдан бошқача усули бўлиши мумкин эмас ва бўлмаслиги зарур. Мана шунинг учун ҳам ҳозир янги қонунлар чиқариш билан бир қаторда қонунчиликнинг ўзини мустаҳкамлаш тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Агар ҳар қандай қонун, у ҳатто энг яхши қонун бўлса-да, фақат қоғозда қоладиган бўлса, агар давлат ана шу қонун оғишмай рўёбга чиқарилишини таъминлай олмаса, агар гражданлар уни онгли равишда ижро этмасалар, у бир пулга қимматдир. Олий Совет ва Иттифоқ ҳукуматининг республикалардаги ва жойлардаги ҳокимият органларининг Конституциямизга кўра қабул қилинган қонунлар амалга оширилишини таъминлайдиган барча кишиларнинг эътиборини ишнинг мана шу томонига қаратиш лозим.

Ҳозирги пайтда энг кўп хавотирликка сабаб бўлаётган нарса тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Бу Арманистон ва Озарбайжондаги Тоғли Қорабоғ муаммоси билан боғлиқ аҳволдир. Мен яқинда Марказий Комитет Пленумида қилган докладимда ҳам у ерда ғоят кескин вазият вужудга келганлиги тўғрисида гапирган эдим. Ўтган кунлар давомида кўрилган чора-тадбирларга қарамай мана шу чигал тугунни ечишга, энг аввало, темир йўлларда рўй бераётган вазиятни бартараф этишга муваффақ бўлинмади. Фақат бугун тундагина юк ортилган поездлар қатнови йўлга қўйилди ва одатда кундузги вақтдагига қараганда анча кўп юк ташилди. Ўртоқ Воронин ва у ерда республика органлари билан бирга иш олиб бораётган Иттифоқ органларининг вакиллари бўлмиш бошқа ўртоқларнинг маълум қилишича, ижобий томонга қандайдир ўзгариш сезилмоқда.

Шунга қарамай мазкур регионни шундай ҳолатда қолдириб бўлмайди. Агар иш барқарор тус олмаса, СССР ҳукумати республика органлари билан биргаликда ана шу муаммони ҳал этишга оид узил-кесил чоралар тўғрисида СССР Олий Советига конкрет таклифларни тақдим этишлари зарур деб ўйлайман. Бир-икки кун кутамиз, ҳукумат зарур бўлса ўз таклифларини маълум қилишга тайёр турсин.

Ўртоқлар, биз ўз фаолиятимиз натижалари учун масъулиятни англаган ҳолда тўла кўч билан ишлаган тақдиримиздагина мазкур сессия олдида турган ва бутун мамлакатда сабрсизлик билан кутилаётган вазифаларни уддалай олишимиз мумкинлигини яна бир бор таъкидлайман. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ишчанлик Олий Советнинг мана шу кузги сессиясининг шиори бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг олий органларидан мамлакат конкрет ва самарали қарорлар кутаётган ҳозирги пайтда айни ишчанлик зарурдир. Агар бу ерда ҳозирги вазиятга ва халқнинг умидига мос келмайдиган даватлар янграй бошласа, ўйлайманки, жамиятда Олий Совет ва ҳукуматдан одамларнинг ҳафсаласи пир бўлади.

Депутат ўртоқлар, биз аҳил ва масъулият билан иш олиб бориб, ҳозирги пайтда мамлакат олдида турган қийин муаммоларни ҳал этиб, қайта қуриш жараёнини яна да ривожлантириш ва совет жамиятини янгилаш учун шарт-шароитни таъминлай оламиз, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

М. С. Горбачев сессия кун тартиби юзасидан ахборот бериш учун СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьяновга сўз берди.

СССР Олий Совети Президиуми, деди **А. И. Лукьянов**, СССР Конституциясига мувофиқ СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқди. Бу таклифлар Президиумнинг 21 сентябрь куни бўлган мажлисида барча комитетлар ва комиссиялар раслари иштирокида батафсил муҳокама қилинди.

Олий Совет Президиумининг топшириғига мувофиқ ана шу таклифларни сизларга айтиб беришга рухсат этгайсиз.

Энг аввало — сессиянинг кун тартиби тўғрисида.

Олий Совет Конституция талабларидан СССР халқ депутатлари биринчи съезди топшириқларини, аввалги сессияда қабул қилинган қарорлардан келиб чиқадиган жуда кўп қонунлар лойиҳаларини ва бошқа масалаларни муҳокама қилиши керак. Ҳозир бундай масалаларнинг катта мажмуаси бор. Улар олтмишга яқин.

Иккинчи сессия икки ой давомида ишлаши таклиф этилмоқда.

Ана шу чегараланган муддатлар ва вақтнинг асосий қисмини комитетлар ва комиссиялар ишига ажратиш зарурлиги назарда тутилса, мавжуд барча масалаларни муҳокама қилиб бўлмаса керак. Шу муносабат билан Олий Совет Президиуми мавжуд масалаларни синчиклаб таҳлил этганидан сўнг, иккинчи сессиянинг кун тартибига энг аввало, биринчи навбатда қараб чиқилиши режалаштирилган қонун лойиҳаларини шунингдек СССР халқ депутатлари съездига тақдим этилиши лозим бўлган масалаларни киритиш керак бўлур эди, деган хулосага келди. Кўриб турибсизки, бундай масалалар жами 19 та, таклиф этилаётган кун тартибидаги бошқа масалалар билан биргаликда эса 34 тани ташкил этади.

Энг аввало, СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги давлат плани ва СССР давлат бюджетини СССР Олий Совети муҳокамасига қўйиш таклиф этилади. Ана шу план ва бюджет лойиҳаларини СССР Министрлар Совети шу йилнинг 1 сентябрида тақдим этган эди. Бу қонун лойиҳаларини октябрь ойи охирларидан кечикмай қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, бу корхоналар, бирлашмалар, тармоқлар ва республикаларнинг планлари тузилишини келаси йил бошларида тугаллашга имкон берган бўлур эди.

Олий Советнинг шу йил 24 июлдаги қарори билан мулк тўғрисидаги, социалистик корхона ҳақидаги, ягона солиқ системаси тўғрисидаги, кооперация ҳақидаги қонунни ўзгартириш тўғрисидаги, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ҳақидаги, ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги қонун асосларини биринчи навбатда кўриб чиқиш зарур, деб топилган эди. Бу қонун лойиҳаларини Министрлар Совети Олий Советга тақдим этган ва улар депутатларга тарқатилган.

Халқ депутатлари биринчи съездининг топшириғига мувофиқ СССР Конституциясига сайлов системаси масалалари юзасидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, съезд ва Олий Совет регламенти, конституцион назорат тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини, шунингдек мамлакат олий ҳокимият органлари ва СССР халқ депутатлари фаолияти билан боғлиқ бошқа баъзи қонунлар лойиҳаларини сессияда муҳокама қилиш, сўнгра съезднинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Сессияда иттифоқдош республикаларда экономика ва социал соҳага раҳбарликнинг умумий асослари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ҳамда маҳаллий ҳўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунларни қараб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бундан ташқари, сессияда СССР Олий Совети топширган масалаларни муҳокама қилиш ҳам лозим бўлур эди. Бундай масалаларга Литва ССР ва Эстония ССРнинг иқтисодий мустақилликкa ўтиши ҳақидаги, коллектив меҳнат низолари (можаролари)ни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги, Афғонистондаги чекланган совет қўшинларининг жиноят содир этган ва Афғонистон қуролланган оппозициясига асир тушган собиқ ҳарбий хизматчиларини афв этиш тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари киради.

Сессияда съезд ва Олий Совет тузган комиссияларнинг докладларини эшитиш ва имкониятга қараб бошқа баъзи қонун лойиҳаларини муҳокама қилишни бошлаш мақсадга мувофиқ кўринади.

Бундан ташқари, сессияда СССР халқ депутатлари биринчи съезди қарорларидан келиб чиқадиган ва КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида муҳокама қилинган миллатлараро муносабатларнинг баъзи масалаларини қараб чиқиш эҳтимоли борлигини ҳам назарда тутмоқ лозим. Бу ерда гап, энг аввало, СССР халқлари тилларининг эркин ривожланиши ва улардан тенг фойдаланиш тўғрисидаги; ўзларининг миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки СССР территориясида бундай тузилмаларга эга бўлмаган СССР гражданларининг эркин миллий ривожланиши тўғрисидаги; СССР гражданлиги тўғрисидаги қонунлар ҳақида кетмоқда.

Сессия вақтида кун тартиби лойиҳасида назарда тутилмаган бошқа масалалар ҳам пайдо бўлиши табиий. Бу масалалар Олий Совет қарорига мувофиқ кун тартибига қўшимча равишда киритилиши ёки ундан ташқари муҳокама қилиниши мумкин.

Олий Советнинг иш практикаси сессия давомида депутатларда муҳокама қилиниши тақозо этиладиган турли масалалар пайдо бўлишини кўрсатди. Ишларимизни режалаштираётган вақтимизда шу нарсаларни эътиборга олишимиз керак.

Шундай қилиб, Олий Совет, бугун М. С. Горбачев таъкидлаганидек, жуда катта ишларни амалга ошириши, қонунлар лойиҳаларининг бутун бир комплекси ва бошқа масалаларни қараб чиқиши лозим. Бу ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уни ташкил этишга, Олий Совет комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссияларида барча масалалар қай даражада жиддий тайёрланганлигига боғлиқ. Афтидан, барча ишларнинг оғирлиги комитетлар ва доимий комиссияларнинг зиммасига тушадиганга ўхшайди. Биринчи сессияда кўпгина депутатлар шу ҳақда гапирганликлари эсингизда бўлса керак.

СССР Олий Совети Президиуми шу мулоҳазаларни эътиборга олиб, иккинчи сессиянинг қуйидаги иш тартибини белгилаш, имконияти бор, деган хулосага якдиллик билан келди.

Палаталарнинг ялпи мажлислари, қоида тариқасида, ҳафтасига икки кун — душанба ва сешанба кунлари ўтказилсин, қолган вақтни комитетлар ва комиссияларнинг ишига ажратилсин, деб белгилаб қўйиш таклиф этилади. Бизнинг фикримизча, бундай тартиб масалаларни чуқурроқ ишлаб чиқишга ва уларни палаталарнинг мажлисларида янада ҳар томонлама муҳокама қилишга имкон беради. Депутат ўртоқлар, жумладан, сизларга кел гуси, икки ҳафтага мўлжаллаб Олий Совет, комитетлар ва комиссияларнинг тахминий иш графиги ҳамда план ва бюджет лойиҳаларини комиссияларда кўриб чиқишнинг батафсил плани тарқатилган.

Сессияда қонун лойиҳаларини ва бошқа масалаларни сессия кун тартибига киритилган тартибда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланмоқда. Палаталар тегишли масалаларнинг пишиб етилганлик даражасига қараб уларни кўриб чиқишнинг бошқа тартибини танлаб олишлари мумкин, албатта.

Қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишнинг Олий Совет томонидан 19 июль куни тасдиқланган муваққат қоидаларига мувофиқ қонун лойиҳалари сессияда қоида тариқасида икки марта муҳокама қилиниб, сўнгра қабул этилади. Биринчи муҳокама чоғида лойиҳага умумий баҳо берилади, уни матбуотда эълон қилиш эҳтимоли ва қонун лойиҳаси устида бундан буёнги иш тартиби масалалари ҳал қилинади, иккинчи муҳокама чоғида эса лойиҳа моддама-модда таҳлил этилиб, қабул қилинади.

Заруратга қараб палаталарнинг ялпи мажлисларида депутатларнинг сўровлари ва саволларига жавоб қайтариш учун, шунингдек тартибқоида вазиятларини муҳокама қилиш учун вақт ажратилиши мумкин.

Башарти, бошқа қарор қабул қилинмаса, иккинчи сессияни тахминан 24 ноябрда тугаллаш назарда тутилмоқда.

Депутат ўртоқлар, Олий Совет Президиумининг СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг кун тартиби ва иш тартибига оид таклифлари мана шулардан иборат.

Олий Совет Президиумининг аъзолари Олий Совет сессиясининг иши аввалбошданоқ ишчан, амалий тус олиши керак, деган фикрга якдиллик билан қўшилдилар. Давр биздан шуни талаб қилмоқда. Депутатлардан халқ шуни кутмоқда.

Муҳокамадан сўнг, киритилган тузатишлар эътиборга олиниб, сессиянинг кун тартиби ва иш тартиби тасдиқланди.

СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат плани тўғрисида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Л. А. Воронин** доклад қилди.

Кечки мажлисда СССРнинг 1990 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1988 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида СССР молия министри **В. С. Павлов** доклад қилди.

Раислик қилувчи М. С. Горбачевнинг хабар қилишича, СССР Олий Советининг комитетлари билан палаталарнинг комиссияларига мамлакатнинг келгуси йилги плани ва бюджети лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиб, улар юзасидан ўз хулосаларини тайёрлаш топширилган эди. Шу иш қандай бораётганлиги ҳақида Иттифоқ Совети план ва бюджет-молия комиссиясининг раиси **В. Г. Кучеренко** гапириб берди. Депутатлар унинг план ҳамда бюджет лойиҳаларини комиссияларда ва комитетларда бундан буён кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги таклифларига қўшилдилар.

Л. А. Воронин СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг келгуси йилги Давлат плани лойиҳасини муҳокама қилиш муносабати билан депутатларда туғилган саволларга жавоб қайтарди.

Пировардида рўйхатга олиш ва овоз бериш электрон системасини ишлатиш учун қабул этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Депутатлар бу системани ишлатиш учун қабул қилишни ёқлаб овоз бердилар.

(ТАСС).

СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1990 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. ВОРОНИН доклади

СССР Министрлар Совети, деди у, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш 1990 йилги Давлат планининг ўз ёндашувлари, нисбатлари ва таклиф этилаётган тадбирлари, шу жумладан фавқулодда тадбирлари жиҳатидан ҳам мутлақо янги лойиҳасини тақдим этди. Аввало бу план мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг совет кишиси турмуш даражасини яхшилаш соҳасида қайта қуриш туфайли юзага келган янги, энг муҳим йўналишларини рўёбга чиқаришнинг бошланиши бўлсин, деб СССР халқ депутатлари съезди таърифлаб берган талаб мазкур планни ишлаб чиқиш учун асосий негиз қилиб олинди. Мана шу энг муҳим йўналишлар соҳасидаги иш кўпдан бери олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларини саноат асосида ривожлантиришга ва ижтимоий муаммоларни тубдан ҳал этишга қаратилган ресурслар миқёсидаги турли нисбатларни акс эттирувчи бир қанча вариантлар ишлаб чиқилди.

Турли вариантларнинг энг мақбулларини таққослаш натижасида экономикани ўн учинчи беш йилликда ижтимоий соҳага имкони борича кўпроқ йўналтирадиган вариант бундан буён ишлаб чиқиб, таҳлил этиш учун танлаб олинди, унда ишлаб чиқариш имкониятларини саноат ва фан-техника негизида кўпайтиришга сарфланадиган ресурсларнинг оқилона зарур миқдори кўзда тутилган. Бу эса истиқболда экономикани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ўзгагидир.

1990 йил ва ўн учинчи беш йиллик иқтисодиётнинг барча соҳаларини кенг миқёсда соғломлаштириш, халқ хўжалигини мувозанатли ва мутаносиб ишлайдиган иқтисодиятни социал соҳага йўналтиришнинг юксак суръатлари шароитида муттасил кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ҳолга келтирадиган давр бўлади. 1990 йилги план лойиҳасини тузишнинг залворли принципиал асослари мана шулардан иборат, шу тарика мазкур план мамлакатимизда партия билан давлатнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг узвий бошланғич қисми бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатда вужудга келган иқтисодий вазиятни яхшилик томонга зўр бериб ўзгартириш вазифаси 1990 йил план лойиҳаси устидаги ишнинг бошқа бир жуда муҳим асосий жиҳатидир. Докладчи шу ҳақда гапириб, 1990 йилга биз бир йил аввалгидан кўра анча қийинроқ иқтисодий аҳволда яқинлашиб бораётганимизни таъкидлади. Иқтисодиятнинг ўсиш суръати бу йил кўпгина энг муҳим соҳаларда ой сайин пасайиб борди, ижтимоий кескинлик кучайди, халқ хўжалигининг мувозанати заифлашди. Шу жараёнлар оқибатида истеъмол бозорида ҳам, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам камчиликлар оша борди.

Эндиги гап фақат ўтмишнинг «дахмаза юки» ҳақидагина бораётгани йўқ. Қийинчиликларимиз замирида йиллар давомида тўпланиб келган мутаносибсизлик ётибди, албатта. Бироқ, бу мутаносибсизлик кучайганлиги — айниқса кейнги икки йил мобайнида яққол намоён бўлган янги салбий ҳодисалар ва тенденциялар бутун бир комплексининг иқтисодиятга ўтказган оғир таъсири натижасидир.

Оммaнинг сиёсий фаоллиги ошиши билан бирга, афсуски, меҳнат ва ижрочилик интизомининг пасайиши каби тенденциялар пайдо бўлмоқда. Шартнома ва план мажбуриятларига масъулиятнинг пасайганлигида ҳам шу нарса ўз ифодасини топмоқда. Ишлаб чиқарувчининг ўзбошимчалиги, бозорнинг ривожланмаганлиги, нарх белгилашнинг тартибга солинмаганлиги ва унинг бозор муносабатларига мосланмаганлиги шароитида иқтисодиятни бошқаришни демократиялаш, кўп миқдордаги маҳсулот марказий планлаштириш ва тақсимлаш соҳасидан чиқарилганлиги кўп йиллар мобайнида мустаҳкам қарор топгандек туюлган кооперация алоқалари бузилишига ва ижтимоий ишлаб чиқаришдаги жуда мураккаб хўжалик муносабатларининг бутун халқасида узилишларнинг кучайишига олиб келди.

Бозорнинг талабига қараб иш тутиш, рақобат, иттифоқ ва регион солиқлари системаси ва шу каби ялпи иқтисодий воситалар пухта ишлаб чиқилмаган шароитда ва ҳамма соҳани қамраб олувчи буйруқ тарзидаги план топшириқлари берилмай қўйган бир пайтда ҳозир корхоналарга иқтисодий мустақиллик бериб қўйилганлиги гуруҳбозлик худбинлигининг ҳаддан ташқари кучайишига сабаб бўлди, бу нарса нархни ошириш йўли билан фойдани кўпайтириш, оқибатда нақд маҳсулотга мос келмайдиган даромад ва меҳнат ҳақининг ошиши, арзон моллар ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилиши, меҳнат коллективларининг шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш ва давлат буюртмаларини бажаришдан кўра ўзининг ҳар қандай маҳсулотидан бевосита айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланишга қизиқишнинг кучайиши учун шароит вужудга келганлигида ўз ифодасини топди.

Истеъмол бозорини моллар ва хизматлар билан тўлдириш манбаи бўлиб қолиши керак бўлган кооператив ҳаракати, ҳозирча, асосан давлат хом ашёсини қайта ишламоқда, баъзан ҳатто шу хом ашёни олиб, жуда юқори нарх билан сотмоқда, шу тарика ижтимоий кескинликнинг тобора кўпроқ қўшимча омили бўлиб қолмоқда. Бир қанча ҳолларда пинхона иқтисодият кооперативлар орқали ошкора ҳаракат қилмоқда, у ҳам илгари яшириниб ётган пулни муомалага чиқарди, деб ҳисобласак учун ҳамма асослар бор.

Бу — ишнинг иқтисодий томони. Бироқ, мана шу икки йил мобайнида янги салбий тенденциялар пайдо бўлганлигини ҳам аниқ-равшан қилиб айтмоқ керак. Бу тенденциялар иқтисодий усуллар ва ечимлар номукаммаллигининггина натижаси бўлиб қолмай, шу билан бирга жамиятдаги вазият умуман беқарорлашганлигининг ҳам оқибатидир. Миллатлараро ва иш ташлаш можаролари авж олганлиги халқ хўжалигидаги кўпгина алоқаларни мутлақо издан чиқариб юборди, мол билан таъминланмаган қўшимча пулни муомалага чиқарди.

Башарти, гарчи, умуман ҳақли бўлса ҳам, бироқ ҳозир иқтисодиятимиз кўтара олмайдиган ҳамма талабларни қондириш йўлидан борилаверса, башарти вазифаларни босқичма-босқич ҳал этишнинг умумдавлат амалий позицияси ишлаб чиқилмаса, ҳеч қандай мол билан таъминланмаган янада жуда кўп миқдордаги пулнинг муомалага чиқишини, бинобарин, пулнинг қадрсизланиши, камчиликлар кучайишини ва шунинг оқибатида ижтимоий кескинликнинг кучайишини кутиш мумкин, деди сўнгра докладчи.

Планни тайёрлаш чоғида, деб таъкидлади у, биринчидан, вужудга келган салбий тенденцияларни бартараф этиш, иқтисодиятни барқарорлаштириш, унинг ижтимоий соҳага йўналишини кучайтириш ва уни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришнинг планли жараёнини бошлаш вазифаси ўртага қўйилди. Иккинчидан, меҳнаткашларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш, ички бозорни тартибга сола бошлаш назарда тутилди. Ниҳоят, 1990 йилнинг навбатдаги беш йиллик учун негиз тарзидаги ўрнидан келиб чиқадиган учинчи катта вазифа қуйидагича: кундалик муаммолар нақадар ўткир ва мураккаб бўлмасин, биз келажакни унутмаслигимиз керак. Айни 1990 йил халқ хўжалигини келгуси беш йиллиқда муттасил ривожлантириш учун моддий-техникавий ва қонуний-иқтисодий шарт-шароитларни тайёрлаб бериши керак.

Давлат плани лойиҳасида белгиланган шу вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳақида гапириб, докладчи ижтимоий муаммоларга батафсил тўхталди.

Планни ижтимоий соҳага кўпроқ йўналтириш, деди у, планнинг ҳамма бўлимлари руҳига сингдириб юборилган ва халқ хўжалиги барча тармоқларини совет кишиларининг эҳтиёжларини биринчи галда қондириш сари туб бурилишни ифодалайдиган бир қанча йирик структура силжишларида лўнда тарзда ифодалаб берилган. Халқ хўжалиги тармоқларини ижтимоий соҳага кўпроқ йўналтиришнинг мана шу белгиларидан энг муҳимлари айтиб ўтилди.

Миллий даромаднинг жорий эҳтиёжга ва ноишлаб чиқариш қурилишига сарфланадиган ресурслари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга ва бошқа турдаги жамғармаларга сарфланадиган нисбати шу белгиларнинг энг умумлашма қисмидир. Бу нисбат қуйидаги тарзда вужудга келади: кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурсларнинг улуши 1989 йилдаги 16,3 процентдан 14 процентгача камайтирилиши, яъни 2,3 процент миқдорида, умуман беш йиллик мобайнида эса 4,4 процент миқдорида камайтирилиши керак. Шунга мувофиқ равишда жорий истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилишининг улуши 1990 йилда 83,7 процентдан 86 процентгача кўпайиши керак.

Саноатда «Б» группа маҳсулоти билан «А» группа маҳсулотини кўпайтириш ўртасидаги нисбатни кескин ўзгартириш истеъмол фойдасига жуда катта структуравий силжиш бўлади. Шу йилнинг ўзидаёқ бу жараён бошланди, саноатда «Б» группа маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кўпайиши «А» группа маҳсулотининг кўпайишидан 1,5 баравар илдам бормоқда. 1990 йилда «Б» группа маҳсулотининг кўпайишини 13 баравар илдамлаштириш кўзда тутилади. Аслида бу — саноатдаги нисбатларнинг фавқулодда ўзгаришидир.

Навбатдаги кўрсаткич — чакана товар оборотининг жадал ўсишидир, товар оборотини 1990 йилда 40 миллиард сўмлик миқдорида кўпайтириш кўзда тутилди. Ўтган беш йилликда товар оборотини шунча миқдорда ўстиришга қарийб 4 йил мобайнида эришилган эди. Энди бу кўрсаткични 1 йилда таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Докладчи, агар режалаштирилганидек ишласак, бу вазифани амалга ошириш мумкин, деб ишонч ҳам билдирди. Шунга мувофиқ равишда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни планнинг бошқа кўрсаткичлари ўсишидан бир неча ҳисса ортиқ кўпайтириш кўзда тутилган.

Пулни хизматлар соҳасини ҳам илдам суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланмоқда. Шу хизматларни бажариш ҳажмини 11,1 процент, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайишидан икки баравар знёд ошириш назарда тутилган.

Бюджетдан 1990 йилда турмуш даражасини оширишнинг марказлаштирилган тадбирларини рўёбга чиқариш учун ўтган йиллардаги шундай харажатлардан 3—3,5 баравар кўп маблағ сарфлаш кўзда тутилганлиги планнинг ижтимоий соҳага йўналиши кучайганлигидан далолат беради.

Планнинг социал йўналиши тегишли инвестиция сиёсати билан таъминланади. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан ноишлаб чиқариш соҳасига капитал маблағ сарфлаш ҳажми 1990 йилда 58,4 миллиард сўм бўлади ёки халқ хўжалигидаги ялпи инвестиция ресурсларининг беш йиллик планда кўзда тутилган 23,6 проценти ўрнига 28,9 процентини, қурилиш-монтаж ишларининг улуши эса беш йилликдаги ялпи 39,9 процент ўрнига келгуси йил планида 48,7 процентни ташкил қилади.

Саноатнинг мудофаа тармоқлари фаолиятини тинч соҳага буриб юбориш жараёни иқтисодиятнинг ижтимоий соҳага йўналтирилишига тўла-тўкис бўйсундирилган. Мудофаа тармоқлари чиқарадиган ноишлаб чиқариш ҳалқ истеъмоли моллари 1990 йилнинг ўзида 35 процент кўпайиб, салкам 40 миллиард сўмликка етади.

Ташқи иқтисодий сиёсат мавжуд валюта ресурслари доирасида асосан халқ истеъмоли моллари, шунингдек шу молларни тайёрлаш учун хом ашё ҳамда дори-дармонларни импорт қилиш фойдасига бирмунча қайта йўналтирилди.

Шундай қилиб, 1990 йилги план лойиҳасида иқтисодият ижтимоий муаммоларни ҳал этишга энг кўп қулайлик яратиш режимига ёппасига ва кенг жабҳа бўйлаб ўтказилади. Бу — вақтинчалик тадбир эмас, балки ўн учинчи беш йилликда ҳам янада давом эттириладиган узоқ муддатли йўлдир.

Сўнгра докладчи ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим соҳаларига батафсил тўхталди. План лойиҳасида, деди у, халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Совети биринчи сессиясининг пенсия таъминоти ва социал таъминот масалаларига оид қарорлари ҳисобга олинган. Бу қарорларнинг ечими мураккаб шароитларда қидириб топилди. Чунки халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасида, беш йиллик планда кўзда тутилган ва аввалги йиллардан ўтган марказлаштирилган тадбирларнинг амалга оширилиши энди 2 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги бюджет маблағини талаб қилар эди, қўшимча равишда ишлаб чиқилган тадбирларни ҳисобга олганда, бу маблағлар 10 миллиард сўмликка етай деб қолди. Ҳозир вужудга келган иқтисодий вазиятда бу— жуда қийин вазифа бўлиб, уни амалда ҳал қилиш халқ хўжалиги ишини нормаллаштириш ва уни янада ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Ҳукумат собиқ байналмилал жангчиларнинг моддий таъминоти масалаларини ҳал қилиш учун маблағларни сафарбар этиш, шунингдек Узоқ Шимол районларида пенсияларга коэффициент жорий қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни ҳам амалга оширишни мўлжаллаб турибди. Бундан ташқари хўжалик юритишнинг янги шароитида корхоналар ишлаб топган маблағ эвазига йирик ижтимоий чора-тадбирлар ўтказилади. Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ишчи ва хизматчиларининг ставка ва окладларини ошириш соҳасидаги ишни ниҳоясига етказиш, балиқ хўжалиги ходимларининг меҳнат ҳақи юзасидан қўшимча имтиёзлар жорий этилиши

СССР Олий Советининг иккинчи сессияси

СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги давлат плани тўғрисида

(Давоми. Боши учинчи бетда).

кўпайтириш соҳасидаги батафсил ҳисоб-китоблар, планнинг ишлаб чиқилиши, жорий даромадларни тўла қоплаш реал эмаслигини кўрсатди. Бу муаммога энг умидбахшлик билан ёндашганда ҳам давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг энг кўп эҳтимол тутилган ҳажми 435 миллиард сўм миқдорида белгиланди.

Пул даромадларининг стихияли ўсиши орқасидан товарларни кўпайтиришга ҳар қандай уринишлар етиб ололмаслиги мутлақо равшан. Шу сабабли 1990 йилда ҳам жуда мураккаб вазият вужудга келади. Ҳатто чакана товар оборотининг мазкур юқсак ҳажмида ҳам, афсуски, у ҳозирча аҳолининг фараз қилинаётган кундалик пул даромадларини қоплай олмайди. Шу сабабли СССР ҳукумати 1990 йил плани лойиҳасини 10 миллиард сўм миқдорида муомалага қўшимча пул чиқаришни кўзда тутган ҳолда тақдим этди. Бу эса бу йил кутилаётганидан тахминан 40 процент кам, аммо ҳар ҳолда сезиларлидир.

Ички истеъмол бозорини барқарор қилиш учун агросаноат комплексининг иши асосий аҳамиятга эга. 1990 йилда мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ялпи ҳажмини чакана нархларда 1988 йилдаги 137,8 миллиард сўм ўрнига 1990 йилда 156 миллиард сўмга етказиш, ёки 18 миллиард сўмлик кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Бу жуда юқори ўсишдир, албатта. Чунки ўтган уч йил ичида (1986 — 1988 йилларда) озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17 миллиард сўмлик кўпайди.

Ҳукумат агросаноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Бироқ ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бошқа тармоқларнинг энг муҳим эҳтиёжларидан ажратиб олинган моддий ва молиявий ресурслар ҳисобигагина капитал маблағларни кўпайтириш йўли билан қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришдаги аҳволни тубдан ўзгартириб бўлмайди. Иқтисодиятнинг аграр секторида яратилган имкониятлардан кўп йўлдан буён самарасиз фойдаланилмоқда.

Аграр сектордаги иқтисодий муносабатларни фаол қайта қуришга, эгаликнинг, мулкдан фойдаланиш ва тасарруф этишнинг хилма-хил шаклларига ва ерда хўжалик юритишнинг турларига реал умид боғлаш керак. Озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва республикалар, ўлкалар, областлар аҳолисини бундай маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш учун янги иқтисодий шарт-шароитлардан амалда фойдаланишга келганда эса, давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари фаолияти ана шу вазифани ҳал этишга қаратилган.

Докладчи халқ учун товарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш мавзусига якун ясар экан, бу ишда иттифоқдош республикалар ва маҳаллий органларнинг мавқеи кескин ошганлигини таъкидлади. Собиқ СССР Енгил саноат министрлиги ва СССР Давлат агросаноат комитетининг, бир қанча бошқа министрликларнинг корхоналари уларнинг тасарруфига ўтмоқда. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган моллар умумий ҳажмининг салкам 70 проценти республикалар саноати улушига тўғри келади.

Ижтимоий-маданий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш 1990 йилги план лойиҳасининг энг муҳим вазифасидир, дейилади сўнгра докладда. Шубҳасиз, бу соҳада уй-жой қурилиши асосий муаммо бўлиб қолаверади. Умуман ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида уй-жой қурилишининг яхшигина ўсишига эришилади. 1990 йилда 144 миллион квадрат метр уй-жой қуриш режалаштирилган.

Беш йилликда умуман уй-жойларни фойдаланишга топшириш умумий ҳажми 660 миллион квадрат метрдан кўпроқни ташкил этади ва олдинги беш йилликда ишга туширилганига нисбатан 110 миллион квадрат метр кўп уй-жой қурилади. 1981-85 йилларда 50 миллион киши уй-жой шароитини яхшилаган бўлса, ҳозирги беш йилликда салкам 60 миллион кишининг уй-жой шароити яхшиланади.

Мактабгача тарбия болалар муассасалари қуриш планларини бажаришда юз берган аҳвол ташвиш уйғотмоқда. Беш йилликнинг уч йили давомида тасдиқланган планга нисбатан 510,8 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари ишга туширилмай қолди. 1990 йилда 932 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга туширишни топшириғи белгиланган. Бу эса илгари қабул қилинган қарорларда белгиланган топшириққа нисбатан 47 минг ўрин камдир. Асосан иттифоқдош республикалар бундай муассасаларни кам ишга туширмоқдалар. СССР Министрлар Совети СССР Госпланига, СССР Госстройига, СССР Министрлар Советининг ижтимоий ривожланиш бюроси иштирокида ҳар бир иттифоқдош республикада аҳолининг мактабгача тарбия болалар муассасаларига эҳтиёжни тўла қондириш вазифасидан келиб чиқиб, ана шундай муассасалар тармоқларини кенгайтириш программасини икки ой муддат ичида ишлаб чиқишни топширди.

1,7 миллион ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Мактабларни жиҳозлаш юзасидан катта тадбирлар кўрилмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Касалхоналар, амбулатория-поликлиникалар, замонавий диагностика марказлари, бошқа медицина муассасаларини қуриш ва уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун бей йиллик пландаги 2,8 миллиард сўм ўрнига 4,1 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Умуман 1986—1990 йилларда касалхоналар ва поликлиникаларни фойдаланишга топшириш юзасидан беш йиллик топшириқларининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

Ҳаётий зарур дори-дармонлар ва медицина техникасининг етишмаслиги айниқса ташвишлидир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ва медицина техникасини етказиб беришдан ташқари бу соҳага валюта маблағларини 2,3 миллиард сўмдан зиёдроқ кўпайтириш имконияти қидириб топилди. Бироқ планда даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолини дори-дармонлар ҳамда медицина техникаси буюмлари билан тўла таъминлаш муаммосини ҳал этишга муваффақ бўлинмади.

1990 йил плани лойиҳасида маданият, кинематография, телевидение ва радиоэшиттириш, матбуот тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилганлиги айтиб ўтилди. СССР Госплани 1990 йил плани лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида мамлакат маданий меросини муҳофаза қилиш ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. 1990 йилги план лойиҳасида беш йиллик пан даражасидан анча кўпроқ миқдорда китоб чиқариш кўзда тутилган.

Қуйидаги кўрсаткичлар лойиҳанинг ижтимоий бўлимларини умумлаштириб таърифлаб беради: аҳолининг реал даромадларини 1989 йилда кутилаётган 4,5 процент ўрнига 5,8 процент, ижтимоий истеъмол фондларини 6,6 процент ўрнига 8 процент, чакана товар оборотини 7,8 процент ўрнига 10,1 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Шундай қилиб планнинг халқ турмуш даражасини ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни умумий тарзда акс эттирувчи асосий кўрсаткичлари бу йилдагига нисбатан тезроқ ўсиб боради, бу эса пировард натижада иқтисодиятнинг социал соҳага йўналтирилиши мезонидир.

Сўнгра докладчи 1990 йил планидаги иқтисодиятни соғломлаштиришга доир фавқулодда чора-тадбирларга тўхталиб ўтди. СССР ҳукумати шунга аминки, деди у, айни 1990 йилда иқтисодиятни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш юзасидан фавқулодда чора-тадбирларни амалга оширишда, шунингдек ички истеъмол бозорини ва ташқи иқтисодий муносабатларини нормал изга солиш жараёнларини бошлаб юборишда қатъий қадам қўйилиши керак.

Иқтисодиятни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш муаммоси планни тузиш чоғида асосий муаммолардан бири бўлди. Қуйидаги энг муҳим чора-тадбирлар ана шу муаммони ҳал этишга қаратилган.

Фойда молиявий ресурсларнинг асосий манбаларидан биридир. Маълумки, бошқа кўпгина кўрсаткичлар каби бу кўрсаткич ҳам ҳозир юқоридан буйруқ билан планлаштирилмайди ва корхоналарнинг ўзлари томонидан белгиланади. Шу билан бир вақтда планни ишлаб чиқиш ва уни молиявий жиҳатдан мутаносиблаштириш чоғида корхоналардаги мавжуд резерв ларни ҳисобга олиб, фойданинг қанча кўпайиши мумкинлигини жуда пухта белгилаш зарур эди. Шунингдек оборот солиғидан тушумларнинг анча кўпайиб, бу йилги планда кўзда тутилган 105,9 миллиард сўм ўрнига 1990 йилда 121,9 миллиард сўмга етказиш мўлжалланган.

Марказлаштирилган капитал маблағларни анча камайтириш молиявий соғломлаштиришга доир яна бир фавқулодда чора бўлди. Бундай жараён шу йилнинг ўзидаёқ бошланди. 1990 йилда бу жараён кучаяди. Натижада марказлаштирилган йўл билан давлат капитал маблағларини пул билан таъминлашга бу йилгига нисбатан 23,4 миллиард сўм кам ажратиш таклиф этилмоқда.

Мудофаага сарф-харажатларни беш йиллик пландагига нисбатан 12 миллиард сўмдан кўпроқ ва бу йилдагига нисбатан 6,4 миллиард сўм камайтириш кўзда тутилган. Бу давлат молиявий мувозанатидаги энг асосий ўзгаришдир. Умуман бир неча ўн йиллар давомида биринчи марта давлат даромадларининг сарф-харажатлар кўпайишига нисбатан илдам ўсишини кўзда тутишга муваффақ бўлинди. Планнинг ташқи савдога тааллуқли жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди.

1990 йилги инвестиция сиёсатида пландаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришларнинг фавқулодда характери айниқса яққол кўринади, деб таъкидланди сўнгра докладда. СССР Олий Советининг олдинги сессиясида асосланмаган ёки жуда зарур бўлмаган ишлаб чиқариш қуришларини қисқартириш қатъий талаб қилинган эди. Иқтисодиятнинг молиявий жиҳатдан соғломлаштирилиши ва уни ижтимоий соҳага йўналтириш ҳам ана шуни талаб қилди. Мазкур капитал маблағлар беш йиллик план ҳисоб-китобларидагига нисбатан 27,2 миллиард сўм кам қилиб белгиланган, бу эса 1989 йил планидагидан 18,1 миллиард сўм ёки 24,8 процент камдир. Бундай қисқартиришлар натижасида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан ишлаб чиқариш қурилишига 143,4 миллиард сўм сарфланади.

Сўнгра докладда моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши батафсил таҳлил қилиниб, планда қабул қилинган фавқулодда чораларнинг баъзи оқибатларини тугатишга доир вазифалар белгилаб берилди.

Докладчи экологик жиҳатдан соғломлаштириш вазифаларига катта эътибор берди.

Докладнинг бир бўлими иттифоқдош республикаларни ривожлантириш планларига бағишланган. Ҳозир иттифоқдош республикалар халқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштиришда аввалгига нисбатан бутунлай бошқача ёндашувларга асосланилаётганлиги таъкидланди. Республикалар бўйича умумдавлат планида кўрсаткичлар ва топшириқлар рўйхати жуда кам, хўжалик ҳисобига ўтаётган республикалар бўйича эса умумдавлат фондига етказиб бериладиган маҳсулотлар ва республикалараро маҳсулот оқимигина кўзда тутилган. Бутун планни умуман территорияларга қараб ишлаб чиқиш, энг муҳим катта иқтисодий территориал мутаносибликни шакллантириш — булар эндиликда иттифоқдош республикаларнинг ўз ишидир. Уларнинг планларини республикаларнинг Олий Советлари тасдиқлайди.

Шу билан бир вақтда ҳар бир иттифоқдош республиканинг иқтисодияти тарихан ягона халқ хўжалик комплекси билан боғланган. Бу объектив ҳолатдир. Ундан ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмайди. Кўпгина муаммолар борки, уларни иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий позициядан ҳам фақат ҳамма республикалар биргаликда ҳал қилишлари лозим.

Докладчи умумий иқтисодий кўрсаткичлар ва мутаносибликлар тўғрисида гапириб, план лойиҳасини ишлаб чиқиш конкрет мақсадлар ва устунликларни ҳал қилишни талаб қилувчи долзарб вазифаларни белгилашдан, уларни амалга ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шунга мос келадиган тузилмасини шакллантириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлашдан бошланганлиги унинг ўзига хос хусусияти эканлигини таъкидлади. Бундай ёндашув чоғида умумий иқтисодий кўрсаткичларни ўстириш суръатлари ҳамда катта иқтисодий мутаносиблик ўртага қўйилган мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган доирадагина белгиланган.

Докладчи иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқар экан, планнинг тақдири кўп жиҳатдан янги хўжалик механизмининг амал қилишига боғлиқлигини айтди. 1990 йил мамлакатда мутлақо янги иқтисодий муносабатлар сари ҳаракат қилишимизда ҳал қилувчи йил бўлиши лозим.

Бунга муайян замин яратилди. Тасдиқлаш учун етакчи иқтисодий муносабатларнинг негизларини белгилаб берувчи қонунларнинг мажмуаси тайёрланди. 1990 йилги план таркибида СССР Олий Советининг олдинги сессиясида корхоналар тўғрисидаги қонунга киритилган тузатишлар ҳам тўла-тўкис ҳисобга олинди. Иттифоқдош республикаларнинг ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш механизми созланмоқда.

Бироқ буларнинг ҳаммаси бошланиши, холос. Ана шу айрим қарорларни чинакам янгиликка айлантириш, энг муҳими узвий иқтисодий муносабатга айлантириш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Шу сабабли иқтисодий ислоҳотни тағин ҳам қатъият билан ва, энг муҳими, тағин ҳам тўлароқ ва тезроқ амалга ошириш, план асосида батафсил тартибга солиб тириш олиб ташлангандан кейин пайдо бўлган бошқаришдаги бўшлиқни янги муносабатлар, жумладан бозор муносабатлари билан тўлдириш учун давлат солиқдари системасини ва бошқа қудратли иқтисодий воситаларни ишга солиш лозим.

Биз бошқарув ва бозор муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий усулларига қатъий ўтиб олдик, лекин ўтиш даври амалда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқарадики, уларни оғишмай бартараф этиш лозим. Мулкчилик, планлаштириш, нарх белгилашнинг бутун системасини, кўпгина бошқа давлат-ҳуқуқий қоидаларни тубдан ўзгартириш ишларига ёндашув ҳозирнинг ўзидаёқ қонун лойиҳаларининг конкрет тусини олди, бу лойиҳаларни СССР Олий Совети ҳозирги сессиясида муҳокама қила бошлайди. Шу боисдан келгуси йилда ҳам фойдаланишга тўғри келадиган механизмлар ва чора-тадбирлар ўтиш даври белгиларига эга бўлади.

Сабр-бардош, ҳар бир қадам изчил ва пухта ўйланган бўлиши зарур, иқтисодий фаннинг, хўжалик ва планлаштириш практикасининг фаол ва амалий ҳамкорлиги зарур, чунки ана шу жараёнлар миллионлаб совет кишиларининг тақдирига дахлдордир.

Пировардида докладчи юксак интизом ва уюшқоқлик шароитидагина тақдим этилган план бажарилиши ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳақиқатан нормал изга солиниши мумкинлигини таъкидлади. Ҳозир меҳнаткашларнинг мислсиз фаоллиги кўзга ташланмоқда. Қайта қуриш ишининг бутун муваффақияти шундаки, ана шу ижтимоий фаоллик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва аввало одамларнинг моддий талаб ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларни яратишга сафарбар этилиши керак.

Иқтисодиятнинг соғломлаштирилиши, СССР Олий Совети қабул қиладиган, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, иттифоқдош республикалар бутун план системасига таъсир этиши лозим бўлган давлат планининг бажарилиши жамиятдаги барча кучларни ана шундай жипслаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чинакам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарали жараёнини йўлга қўйиш зарур, бу жараёнда ҳар бир меҳнат коллективи ўз маҳсулоти ва шартнома орқали ўнлаб ва юзлаб бошқа меҳнат коллективлари билан боғлиқ бўлади. 1990 йилги план ҳақиқатан ҳам иқтисодиятни тўла соғломлаштириш ва ижтимоий тараққиёт йўлида совет жамиятини жипслаштириш плани бўлсин.

(ТАСС).

Доклад қисқартириб эълон қилинмоқда.

СССРнинг 1990 йилги давлат бюджети тўғрисида ва 1988 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида

СССР молия министри В. С. ПАВЛОВ доклади

Ҳукумат, деди докладчи, янги бюджетга фавқулодда муҳим аҳамият бермоқда. Унинг замиридаги молиявий программа ҳозирги ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган иқтисодиятни соғломлаштириш томонга кескин буришга, молиянинг танг аҳволини бартараф этишга қаратилган. Мазкур программада шу яқин йиллар ичидаёқ бюджет камомадини бартараф этишга ва келажакда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим вазифаларини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам молиявий негизни вужудга келтиришга қаратилган туб тадбирлар назарда тутилган.

Бу яна шунинг учун муҳимки, маъмурий буйруқбозлик системаси йўққа чиқа боргани сайин мамлакатнинг асосий молиявий плани сифатида СССР давлат бюджети бошқарувнинг энг асосий воситаларидан бирига айланмоқда ва табиийки, ижтимоий тараққиётимизнинг барча мураккабликлари муаммолари бюджетга ўз таъсирини ўтказмоқда ва унда мужассамлашмоқда. Шунинг учун ҳам 1990 йилги бюджет лойиҳаси ишлаб чиқилаётганида, аввало иқтисодият, молия ва пул муомаласининг ҳозирги аҳволи, уларни нормаллаштириш вазифалари ҳисобга олинди.

Аслида биз шу йўналишда ҳаракат қила бошладик. Мамлакатдаги молиявий-иқтисодий аҳволдаги тангликни сусайтириш учун катта тадбирлар кўрилди. СССРнинг 1989 йилги давлат бюджети ижросига оид дастлабки маълумотлар кўрилган тадбирлар туфайли халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида молияни соғломлаштиришни таъминлаш, умуман бюджетнинг аҳволини яхшилаш мумкин бўлади, деб айтиш учун асос беради. Бюджет камомади СССР Олий Совети тасдиқлаганига нисбатан 29 миллиард сўм камаяди ва 92 миллиард сўмни ташкил этади.

Молиявий соғломлаштириш сари бошланган ҳаракат жараёни куч-қувватга тўлиб бормоқда, лекин бу ҳаракат ҳозирча сифат ўзгаришларига олиб келмади ва шундай қисқа муддатда ана шундай ўзгаришларга олиб келиши ҳам мумкин эмас эди. Аҳвол шундайки, биз келгуси йил бюджети лойиҳасини молиянинг барча бўғинлари — давлат, тармоқлар, регионлар молияси жиддий тарзда бузилган шароитда таркиб топтиришга мажбур бўлдик, деди докладчи.

Давлатнинг ички қарзи шу йилнинг охирида 400 миллиард сўмга етади. Пул муомаласи ҳамон ниҳоятда оғир аҳволдадир. Эмиссия 18 миллиард сўмга етади, яъни ўтган йилга нисбатан 1,5 баравар кўп бўлади. Эмиссия сабабли пулнинг харид қуввати сусаймоқда, тобора кўп моллар ва хизматлар тақчил бўлиб бормоқда. Бу бюджет лойиҳасининг йўналишини олдиндан белгилаб берди. Бюджет лойиҳасида унинг социал жиҳатдан йўналишини кучайтириш ҳамда ижобий ўзгаришларга барқарор тус бахш этиш йўлини изчиллик билан ўтказиш таклиф этилмоқда.

Шундан кейин докладчи СССРнинг 1990 йилги давлат бюджети хусусиятларига тўхталди, молиявий сиёсатга янгича ёндашувларни баён этди, мамлакат давлат бюджети лойиҳасининг принципиал позицияларини асослаб берди.

СССРнинг 1990 йилги давлат бюджети лойиҳаси даромадлар бўйича 428,2 миллиард сўм қилиб тузилди, бу эса жорий йилга тасдиқланган маблағдан 54,2 миллиард сўм кўпдир. Харажатлар 488,2 миллиард сўм қилиб белгиланди, ёки бу жорий йилда тасдиқланганига нисбатан 6,6 миллиард сўм камдир. Кўриниб турибдики, ссуда фондини жалб этишни ҳисобга олмай ва харажатларни қамайтириб, даромадлар ўсишининг жуда илгарилаб кетиши назарда тутилган, 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён бундай бўлмаган эди. Натижада 1989 йилда тасдиқланганига нисбатан бюджет камомадини икки баравар қисқартириб планлаштириш имконияти пайдо бўлди, бу эса принципиал иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Давлат бюджетининг жорий бюджет ва ривожланиш бюджетига ажратилганини таъкидлаш муҳимдир. Жорий бюджетда амалдаги нормалар ва ижтимоий жиҳатдан таъминланганликнинг таркиб топган даражасига кўра барча харажатлар жамланган. Бюджетни пул жамғармаларининг ўсиб бориши ҳамда аҳолидан келадиган ва бюджетда жамланадиган тушумлар эвазига тўла мувозанатлаштиришга муваффақ бўлинди.

Ривожланиш бюджетида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, янги ижтимоий-иқтисодий тадбирларни марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғилади. Ривожланиш бюджетининг таркибий қисмларини таҳлил этиш давлатимизнинг янги қўшимча харажатларига жуда чамалаб кўриб ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш имкониятини беради. Бу ўринда амалда олинадиган ўз даромадлари ва заём даромадларининг қатъий чегараланган манбалари доирасида харажатлар қилиш принципини изчиллик билан амалга ошириш керак.

Бюджетнинг навбатдаги хусусияти — аввало, ижтимоий соҳани кўтариш ва пайсалга солиб бўлмайдиган ижтимоий программаларни маблағ билан таъминлаш учун ресурслардан фойдаланишдан иборатдир.

Бундай йўналиш миллий даромаднинг истеъмол ва ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган қурилишга фойдаланиладиган ресурслари салмоғини бу йилги 83,7 процентдан 86 процентга кўтариш имконини беради.

Ва, ниҳоят, моддий ишлаб чиқариш соҳасига сарфланадиган бюджет маблағларини кескин қисқартириш таклиф этилмоқда, бу ўринда мазкур харажатларни корхоналар ва регионлар ўзи ишлаб топган маблағлар ҳисобидан таъминлашга ўтказиш имкониятини тўлароқ рўёбга чиқариш назарда тутилмоқда. Шундай қилиб, ишлоҳотни янада чуқурлаштириш йўлидан катта қадам ташланмоқда.

Бюджетда иттифоқдош республикаларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини кўтариш ўз аксини топган, бу республикаларнинг территориал ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларини пишиқтириш билан боғлиқ бўлган молия базасини таркиб топтиришга янги ёндашувлар мавжуддир.

Шундан кейин бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга оид комплекс вазифаларни кўриб чиқар экан, докладчи молияни соғломлаштиришда унинг моддий ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқлигини тиклаш, сўмнинг реал қийматини кўтариш биринчи даражали аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади. План ва бюджетда халқ хўжалигида таркиб топган йирик номутаносибликларни ўнглаб олиш юзасидан белгиланган тадбирлар шу мақсадларга хизмат қилади, бу номутаносибликлар орасида эса аҳолининг талаби ва таклифлар ўртасидаги мувозанатсизликка айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Лойиҳада камомадни қисқартириш ва сўмни мустаҳкамлаш вазифаларини хўжалик юритишнинг самарасини ошириш омилларини кучайтириш билан бирга қўшиб олиб бориб ҳал этиш таклиф қилиняпти.

Бунинг учун халқ хўжалигидаги молиявий ўзаро муносабатларни янгича қуриш мўлжалланган. Ишлаб чиқариш ва молия программасини белгилашда корхоналар ҳуқуқларининг кенгайиши муносабати билан бюджетнинг даромад базасини таркиб топтириш яққол тахминий характер касб этади. Шунинг учун ҳам даромадларни сафарбар этишда асосий эътибор буйруққа эмас, давлатнинг марказлаштирилган эҳтиёжларини хўжалик ҳисоби фаолияти манфаатлари билан узвий қўшиб олиб борилишини таъминлайдиган иқтисодий омиллар ва рағбатлар системасидан яна ҳам тўлароқ фойдаланишга қаратилади.

Корхоналарга қолдириладиган фойданинг анча кўпайишига йўл қўйиб, бизбуни корхоналарнинг пул жамғармалари ўсишидан манфаатдор қиладиган молиявий имтиёзларнинг кенгайиши, давлат буюртмасининг бажарилиши халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан боғлаймиз.

План кўрсаткичларини корхоналарнинг ўзи мустақил белгилаб қўядиган фойда меҳнат коллективлари иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий манбаи бўлади. Саноатдаги фойданинг планли тарзда ўсиб боришининг 50 процентдан кўпроғи чиқимларни камайтириш эвазига олиниши керак.

Шундан кейин докладда ана шу ишнинг асосий йўналишлари батафсил кўриб чиқилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида кооператив ҳаракат тобора сезиларли бўлиб бораётгани таъкидланди. 1990 йилда кооперативларда тайёрланадиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми 30 миллиард сўмликдан ҳам ортиб кетади. Бюджетда кооперативлардан олинадиган даромад солиғи 1,5 миллиард сўм қилиб белгиланган.

1990 йилда давлат солиқлари йўли билан бюджетга 43,5 миллиард сўм ёки бу йил учун тасдиқланганидан 7,2 миллиард сўм кўп пул тушади. Ана шу тушумларнинг бюджет ресурслари умумий маблағидаги салмоғи 10,2 процентга етади. Бу иш ҳақи фондларининг тубдан ўсиши билан боғлиқдир, афсуски бу ўсиш кейинги вақтда кўпинча бошқариб бўлмайдиган тус олмоқда ҳамда товарлар ва хизматлар тарзида моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг ўсишидан анча илгарилаб кетмоқда.

Товар—пул муносабатлари барча дастурларидан, жумладан солиқ методларидан оқилона фойдаланиш қоғоз пул босиш дастгоҳи ишини сусайтириши керак. Шу муносабат билан СССР Олий Советининг илгариги сессиясида корхоналарда иш ҳақи ўсиб боришига солиқ солиш тўғрисида СССР қонуни қабул қилинган эди. 1990 йилда 3 миллиард сўмлик ана шундай солиқ тушуми назарда тутилган. Бу пул муомаласидаги фавқулодда аҳвол сабабли кўрилган вақтинча тадбирдир, албатта. Бу тадбир ижтимоий ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабини қондиришга структура жиҳатидан қайта йўналтириш даври учун зарурдир.

Шу билан бир қаторда ҳукумат кўриб чиқиши учун ягона солиқ системаси тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳаси тақдим этилган. Бу лойиҳада гражданларнинг шахсий даромадларига ўсиб борадиган даромад солиғини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Ойлик иш ҳақи 700 сўмдан кўпроқ бўлганида ўсиб борадиган солиқ солиш назарда тутилмоқда. Айни вақтда иш ҳақи 80 сўмгача бўлса, солиқ солинмайди ва 100 сўмгача бўлса имтиёзли солиқ солиш жорий этилади. Бу 9 миллиондан кўпроқ одамга дахлдордир, даромад солиғининг умумий тушуми эса ҳатто бир қадар камаяди.

Нархлар устидан назорат ўрнатиш алоҳида диққат-эътиборни талаб этади, деб таъкидлади у. Ҳозир кўпинча бўлаётганидек, товар оборотини тўлдириш йўлидаги куч-ғайратлар, товарлар ва хизматлар нархларини кўтариш билан алмаштирилаётганига йўл қўйиб бўлмайди.

Пул муомаласини тартибга солиш юзасидан фавқулодда чоралар амал қилаётган даврда давлат нархи белгилаб қўйилган маҳсулотлар ва хизматларга шартнома нархларидан воз кечиш керак.

Докладда бюджет харажатларининг ижтимоий жиҳатдан йўналишини кучайтириш зарурлигига катта эътибор берилди. СССРнинг 1990 йилги Давлат бюджети лойиҳасида бюджет харажатларининг принцип жиҳатдан янги сиёсати тақдим этилаётгани таъкидланди. Бу сиёсатнинг моҳияти шундаки, бюджет камомади билан курашни сусайтирмай бюджет харажатларидан кўриладиган ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш керак. Ҳукумат буни мамлакат молиясини қайта қуриш ва соғломлаштириш бутун даври учун марказий ва стратегик вазифалардан бири деб белгилайди.

Ижтимоий-маданий тадбирлар учун сарфланадиган маблағлар жуда тез суръатлар билан ўсади. Бу ҳаражатлар қариб 17 миллиард сўм ортади ёки жорий йил планидан 11,8 процент ортиқ бўлади. Бу ялпи миллий маҳсулот ўсиб бориш суръатларидан анча баравардан кўпроқдир. Халқ маорифини, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, ижтимоий таъминотни яхшилашга бюджетдан 21 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

Бюджет лойиҳасида СССР Олий Совети пенсияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, мазкур пенсияларга район коэффициентлари белгилаш, байналмилалчи жангчилар ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, фронтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари ва ота-оналарига қўшимча имтиёзлар бериш масалалари юзасидан ҳукуматга берган конкрет топшириқлари тўла ҳисобга олинди. Бу мақсадлар учун 7,0 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. Умуман, турмуш даражасини ошириш учун янги тадбирларни ўтказишга 9,8 миллиард сўм ажратиляпти, бу йил ана шу мақсадлар учун 4,2 миллиард сўм сарфлаш мўлжалланган.

СССР Олий Советининг қарорига биноан пенсия программаси биринчи босқичи бутунлай давлат ижтимоий суғуртаси тарифларининг оширилиши ҳамда корхоналар ва ташкилотлар бошқарув аппарати ходимларининг меҳнат ресурслари учун тўлайдиган ҳақлари кўпайтирилиши ҳисобига амалга оширилади. 1990 йилнинг охирига бориб пенсионерлар 60 миллион кишидан ҳам ортиб кетади. Пенсиянинг ўртача миқдори 15 процент, шу жумладан колхозчилар пенсияси 43,0 процент, ишчи ва хизматчилар пенсияси 11,2 процент ортади.

Уй-жой ва социал маданий-маиший объектлар қурилиши учун 26,2 миллиард сўм, ёки бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча инвестицияларнинг ярми йўналтирилади. 1990 йилда бюджет маблағлари ҳисобига ҳар уч квартирининг бири қурилади, 515 минг ўринли умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Касалхоналардаги ўринлар ва болалар муассасаларидаги ўринлар сони кўпаяди, маданий-маърифий муассасалар тармоғи кенгаяди. «Меҳмонлар» учун мўлжалланган, ҳозир бўшаб қолган кошоналар ва дала ҳовлиларнинг болалар муассасаларига берилиши муносабати билан бу ерларда кўшимча 12 минг бола жойлашади, шу юмушларга 6,5 миллион сўм ажратилмоқда.

Бюджетнинг ижтимоий йўналишини ўзгартиришда агросаноат комплексини марказлаштирилган тартибда маблағ билан таъминлашни кўпайтириш асосий ўринни эгаллайди. 1990 йилда 116,5 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда, бу жорий йил планидагидан 8 миллиард сўм кўпдир ва беш йиллик плани лойиҳаларидагига қарагандa 10,4 миллиард сўм ортиқдир. Бу мамлакат бюджети ва молиясида қўшимча кескинликни вужудга келтиради. Аммо озиқ-овқат муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш учун ана шу харажатларни кўтариш керак. Давлат бюджети харажатларини қайта қуриш одамлар фаравонлигига оид барча жиҳатларни қамраб олади.

Жаҳон майдонида амалий, ўзаро фойдали ҳамкорликни кенг кўламда авж олдиришга қаратилган Совет давлатининг реалистик, амалий ташқи сиёсати бизга ҳарбий бюджет юкини анча камайтиришга имкон беради, деб таъкидланди докладда. 1990 йилда ҳарбий бюджет 70,9 миллиард сўмга тушади, бу эса халқ депутатлари съездида 1991 йилда ҳарбий харажатларни 14 процент қисқартириш тўғрисида айтилган таклифларнинг бажарилишини таъминлайди. СССР Олий Совети қабул қилган қарорга биноан Қуролли Кучлар шахсий составининг камайиши, шунингдек жанговар техникани ишлатиш ва тузатишда сарфланадиган маблағларнинг ярмидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш Армия ва Флотни сақлаб туриш учун бўладиган харажатларни 20,2 миллиард сўмдан 19,0 миллиард сўмга камайтириш имконини беради.

Бюджет лойиҳасида СССР Олий Советининг жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш хусусидаги қарорини амалга ошириш учун қариб 500 миллион сўм маблағ ажратилган.

Шундан кейин докладда молия сиёсатини қайта қуришнинг регионал жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди.

Бюджет лойиҳасида сўмни мустаҳкамлаш ва давлат харажатларини ижтимоий жиҳатдан қайта йўналтириш юзасидан бир қанча йирик тадбирларни амалга ошириш назарда тутилаётганлиги таъкидланди. Тақдим этилаётган лойиҳалар кўп жиҳатдан фавқулодда тусдадир ва буларни бир қанча регионлардаги ва умуман мамлакатдаги мураккаб ва ўткир ижтимоий-иқтисодий вазият таъсирида этади. Шунинг учун ҳам бюджетни таркиб топтириш ва унинг ижросига оид бутун иш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. 1990 йилда белгиланган йўлдан олға қараб жиддий одим ташлаш, бўлажак беш йиллик бошларида молияни батамом соғломлаштириш